

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 697.7.1

Шукуров Ориф Жумабоевич

**“Жиззах иқлим шароитида кам қаватли энергия самарадор
биноларни лойиҳалаш”**

5A340201 - “Бино ва иншоотлар қурилиши
(Энергия самарали бинолар)” мутахассислиги

МАГИСТР
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

“Химояга руҳсат этилсин”

“Бино ва иншоотлар қурилиши”

кафедра мудири т.ф.н. доц.

Н.А.Асатов



«2» 02 2019 й.

Илмий раҳбар т.ф.н. доц.

Н.А.Асатов

Жиззах - 2019й.

АННОТАЦИЯ


Бугунги кунда қурилаётган якка тартибдаги кам қаватли замонавий турар-жой бинолари энергия самарадорлигини ошириш замон талабига айланиб бормоқда, чунки Ўзбекистон Республикасида мавжуд турар-жой биноларининг кўпгина қисми якка тартибдаги индивидул лойиҳалар асосида ишлаб чиқилиб қурилган уйлар ташкил этади. Бундай уй-жойлар қуришда Марказий Осиё жумладан Жиззах иқлими иссиқ ва кескин контенентал ҳисобланади. Бундай иқлим шароитида ишлатилаётган бино хоналарида ёз пайтида харорат $35-40^{\circ}\text{C}$ бўлганда хона харорати 40°C дан ҳам ошиб кетади. Бундай ҳолат хонада дискомфорт микроиклим шароитини вужудга келтиради. Ўзбекистон иқлим шароитида қурилаётган турар-жой биноларини энергия самарадорлигини ошириш нуқтаи назардан тахлил қилиш, қурилаётган замонавий турар-жой бинолари лойиҳаларини тўсувчи конструкциялар энергия тежамкор томёлмалари, эшик ойналари ва турар-жой биносини худудда жойлаштирилиши бўйича тахлил қилиш. Ўзбекистоннинг қуруқ-иссиқ иқлимини инобаттга олиш жуда катта аҳамият касб этади.

Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Олимлар маҳалласида жойлашган 10-йда жойлашган икки қаватли якка тартибдаги турар-жой биносининг энергия самарадорлигини оширишнинг такомиллашган моделини татқиқ этиш.

Кенг кўламда қуришга тавсия этилган замонавий турар-жой биноларида оптимал энергия самарадорлик тадбирлари ва техник ечимлари танлангани бўйича асосланади.

XX асрнинг ўрталарига келиб, материал ва энергетик ресурсларни сарфини камайтириш учун кескин чоралар кўриш, тежаш ва давлат техник сиёсатининг нуқтаи назаридан тахлили; йирик панелли турар-жой биноларини энергетик реконструкциясининг иқтисодий масалаларини ўз ичига олади.

Илмий раҳбар


т.ф.н. доц. Асатов Н.А.

Магистрант


Шукуров О.Ж.

ANNOTATION

Modern individual housing units are becoming more demanding, since most of the residential buildings in the Republic of Uzbekistan are built on individual projects. In the construction of such housing, the climate of Central Asia, including Jizzakh, is hot and acute. The room temperature used in such climatic conditions is 35-40 °C in summer and the room temperature is above 40 °C. This situation creates discomfort in the microclimate in the room. Analysis of energy efficiency of residential buildings built in the climatic conditions of Uzbekistan, an analysis of the construction of energy efficient buildings, door windows and living quarters that block the construction of modern residential buildings. Taking into account the dry and hot climate of Uzbekistan, it is of great importance.

Study of the improved energy efficiency model of a two-story individual residential building located in the city of Jizzakh, Mahala Olimlar 10-house.

A wide range of modern housing in the construction industry based on the selection of optimal measures to improve energy efficiency and technical solutions.


By the middle of the twentieth century, take decisive measures to reduce the consumption of materials and energy resources. Savings in terms of analysis of public policy. Large panels include the reconstruction of residential buildings, energy and economic issues.

Илмий раҳбар



т.ф.н. доц. Асатов Н.А.

Магистрант



Шукурев О.Ж.

Мундарижа

Кириш.....	6
I БОБ. Биноларнинг энергия самарадорлигини оширишда ҳалқаро тажриба ва ёндашувлар	
1.1. Биноларнинг энергия самарадорлигини оширишда жаҳон тажрибаси... .	15
1.2. Тураг-жой биноларининг микроиклим кўрсаткичлари.....	23
1.3. Биноларнинг энергия самарадорлигини оширишда такомиллаштиришган комплекс ёндашув..... ..	34
1.4 Жиззах шаҳри иқлим кўрсаткичлари ва уларни ташқи тўсиқ конструкцияларни иссиқлик физик хусусиятларига таъсири.....	41
II БОБ. Ўзбекистон шароитида биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш тажрибаси47	
2.1 Ўзбекистон шароити учун энергия тежамкорлик меъёрлари.. ..51	
2.2 Мавжуд биноларни муддатида энергетик жиҳатдан таҳлил қилиш.	53
2.3 Бинонинг энергия самарадорлигини ошириш учун алтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболлари.....	54
III БОБ. Кам қаватли қуриладиган тураг-жой биноларнинг энергия самарадолигини ошириш..... 64	
3.1 Кам қаватли қуриладиган тураг-жой биноларнинг энергия самарадолигини ошириш.... ..	64
3.2 Тадқиқот текширувидан сўнг лойиҳанинг ва объектнинг тарифи ва сўрови.....	70
3.3 Тураг-жой биноларида иссиқлик энергиясининг ҳақиқий сарфи..	75
3.4 III боб бўйича хулоса.....	79
Хулоса.....	80
Фойдаланилган адабиётлар	81
Иловалар.....	

Кириш.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги. Мустақил Ўзбекистонимизда аҳоли сони ва улар даромадларининг ошиши, урбанизация жараёнларининг тезлашиши ва истеъмол тузилмасида тегишли ўзгаришларни ҳисобга олганда, 2030 йилга келиб бинолар соҳасидаги энергия ресурсларига бўлган талаб 2,5 марта ошиши мумкин (61,2 млн.т.н.э.гача). Бундай шарт-шароитларда талаб ва энергия таъминоти ўртасидаги фарқ ўсишининг олдини олиш, уй-жой, тижорат ва маъмурий биноларнинг энергия билан узлуксиз таъминланиши ҳамда инсонларнинг ижтимоий ҳуқуқини таъминлаш учун ушбу соҳада энергия самарадорлигини яхшилашга доир чора-тадбирлар мажмuinи қабул қилиш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги жами энергия истеъмолининг деярли ярми биноларни иситиш ҳиссасига тўғри келмоқда (йилига 24,1 млн.т.н.э.). Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларга нисбатан Ўзбекистонда биноларнинг энергия истеъмоли 2-2,5 марта кўпдир. Ўзбекистонда 1 йиллик ўртacha энергия қурилиш 0,8 %, қишлоқ хўжалиги 6,0 %, транспорт 9,0 %, энерготизм ва саноат 35,0 % ва аҳоли ва коммунал соҳа 49,2 % сарф бўлар экан. Бундан кўринадики, Ўзбекистонда бир йилда истеъмол килинадиган барча энергиянинг 50 % ёки 24,1 млн. тонна нефт эквиваленти бинолар ҳиссасига тўғри келади. Бинолар лойиҳасини тузиш ва қуришда энергияни тежаш масалалари эътибордан четда қолмоқда, бу эса энергиянинг ҳаддан зиёд ортиқ сарфланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурib тасдиқланган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ** дастури.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти **И.Каримовнинг** 2013 йил 1 мартда қабул қилган “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги муҳим хуқуқий манбалардан биридир.

1997 йил 25 апрелида қабул қилинган “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг энергия самарадорлигини ошириш борасида муҳим хуқуқий асос бўлиб келмоқда.

Замонавий архитектура-курилиш ечимларини ва қурилиш конструкцияларининг янги, энергия тежайдиган турларини, шунингдек, изоляцияловчи материалларни қўллаш орқали турагар-жой ва маъмурӣ биноларни, саноат обьектларини қуришда ва мавжудларини реконструкция қилишда энергия самарадорлигини таъминлаш. Кейинги йилларда Республикаизда қад кўтараётган қишлоқ қурилиш уйлари якка тартиbdаги ва кам қаватли турагар-жойларнинг қурилишида яъна бир муҳим қадам бўлди. Бу билан эса қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда кам қаватли уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма обьектларини жадал ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бунга эса Ўзбекистон Республикаси **биринчи президенти И.А.Каримовнинг** хизматлари бекиёсdir, яъни И.Каримов томонидан 2009 йил 3 августда қабул қилинган “**Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги қарори ва шу ўтган йиллар мобайнида 2009-2018 йилларда қишлоқ жойларда 1448 турагар-жой массивида умумий майдони 9 миллион 983 минг квадрат метр бўлган 69 987 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 93,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрда **"2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уйжойлар қуриш дастури тўғрисида"**ги қарори ва ушбу қарорда келтириб ўтилган қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни кэнгайтириш ва бу билан қишлоқ жойларида арzon якка тартибдаги турар-жой бинолари қурилишига эришиш кўрсатмаси берилган. Ушбу қарор юртимиз архитекторлари ва қурувчилари зиммасига муҳим маъсулятни юклайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрда № 272-сонли "Индивидуал уй-жой қурилиши тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш ҳакидаги қарори якка тартибдаги турар-жой қурилишига оид муносабатларни тартибга солади.

Энергия самарадорлик тушунчаси йилдан-йилга ўзининг муҳимлигини ошириб келмоқда. Бунга сабаб энергия манбаларининг чекланганлиги, энергия нархининг қимматлиги, уни ишлаб чиқаришда атроф муҳитга етказилаётган зарар ва бошқа факторлардан келиб чиқсан ҳолда чекланган энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ушбу масаланинг ечимини топишни тақозо этмоқда. Энергия ресурсларининг камлиги сабаб бутун дунёда энергия ресурслари сарфини камайтириш йўллари ишлаб чиқилмоқда. Бунга эса энергияни рационал ишлатиш орқалигина эришиш мумкин. Қурилишда энергия самарадорлик тушунчаси ўтган асрнинг 70 йилларида энергия ресурсларини тежаш ва "барқарор ривожланиш" концепцияси қабул қилингач, ривожланиб кетди. 1974 йилда содир бўлган бутун дунё энергия кризиси энергия самарадор бинолар қурилишига сабаб бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, **тадқиқот мавзунинг долзарблиги** шундаки, Ўзбекистонда бинолар учун сарфланадиган энергиянинг кўплиги, бунинг асосий қисми кам қаватли бинолар ҳиссасига тўғри келиши, кам қаватли биноларнинг эса асосий қисмини якка тартибдаги тураг жойлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, улардаги энергия самарадорлик кўрсаткичини оширишда, Ўзбекистоннинг қуруқ иссиқ иқлимини ҳисобга олган ҳолда энергия самарадор якка тартибдаги биноларни лойиҳалаш, бинонинг ташқи тўсиқ конструкциясидан йўқоладиган иссиқликни камайтиришда бинонинг қуёшга нисбатан ориентациясини инобатга олиш, бу эса энергияни иқтисод қилиш ва эксплуатация даврида кўп йиллар мобайнида лойиҳадаги каби ишлашини таъминлаш каби масалаларни ўрганишни талаб этади.

Тадқиқот обьекти. Жиззах шаҳри Олимлар маҳалласида жойлашган 10-уй якка тартибдаги тураг-жой биноси.

Тадқиқот предмети. Жиззах шаҳри Олимлар маҳалласида жойлашган 10-уй якка тартибдаги тураг-жой биноси. мисолида бино ташқи тўсиқ конструкцияларининг энергия самарадорлиги.

Тадқиқот ишининг мақсади. Мамлакатимизда, қолаверса бутун дунёда бугунги кунда долзарб мавзуга айланаётган энергия манбалари ресурсларини тежаш, қуёш энергиясидан фойдаланиш, энергиянинг алтернатив вариантларини қўллаш муаммоларини назарда тутган ҳолда эндилиқда қуриладиган биноларнинг умумий энергия сарфини камайтиришда бинонинг қуёшга нисбатан ориентациясини инобатга олган ҳолда ташқи тўсиқ конструкциясининг иссиқлик изоляциясини ошириш ва бу билан энергия самарадорликка эришиш.

Тадқиқот ишининг вазифаси. Тадқиқот ишининг бош мақсадидан келиб чиқсан ҳолда қуйидагилар диссертация ишининг вазифалари этиб белгиланди:

- Якка тартибдаги турар-жой биноларининг лойиҳасини меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган иситиш учун кетадиган энергиянинг сарфланиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
- Куруқ иссиқ иқлим шароитида қурилаётган кам қаватли турар-жой биноларини энергия самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
- Сарфланадиган ашёлар ҳаражатини ҳисоблаб чиқиш ва бу билан келгусида иқтисод қилинадиган энергия миқдорини ҳисоблаш;

Илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистоннинг қуруқ иссиқ иқлим шароитида қуриладиган якка тартибдаги кам қаватли турар-жой биноларининг энергия самарадорлигини оширишда унинг қуёшга нисбатан ориентациясини инобатга олиш ва ташқи тўсиқ конструкцияларининг иссиқ изоляцияси учун қўшимча иссиқлик изоляцион материал танлаш имконини берувчи ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш ва оптимал намунавий лойиҳа ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишининг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишида якка тартибдаги турар-жой биноларининг энергия самарадорлиги, яъни кам қаватли, индивидуал лойиҳалар асосида қуриладиган бинолардан иссиқлик йўқотилиши ўрганилади. Ўзбекистоннинг қуруқ иссиқ иқлим шароитини инобатга олиб, унинг ташқи тўсувчи конструкциялардан йўқоладиган энергия сарфини ҳисоблаш, қуёшга нисбатан ориентациясини инобатга олган ҳолда иссиқлик йўқотилишининг ўзгаришини аниқлаш, “Пассив уйлар” тизимидан фойдаланган ҳолда бинонинг умумий техникиқтисодий кўрсаткичини ишлаб чиқиш ва оптимал лойиҳаларни таклиф этиш.

Адабиётлар таҳлили. Энергия ресурсларини тежаш, иссиқлик энергия самарадор биноларни лойиҳалаш ва қуриш, мавжуд биноларни энергия самарадорлигини ошириш бўйича рус олимлари д. т. н., академик

ПАНИ ва МАНЭБ Геннадий Николаевич Лапин; д.т.н., профессор Виктор Александрович Путятинский, к.т.н., доцент Владимир Николаевич Панасюк; к. т. н., доцент Владимир Николаевич Панасюк; к.т.н., доцент Анатолий

Иванович Тютюнниковлар салмоқли илмий изланишлар олиб боришигандар. “**Пассив уй**” институти асосчиси немис олимни доктор **Вольфганг Файст** ва Швециялик Лундер университети профессори **Бо Адамсон** томонидан таклиф этилган. Доктор Вольфганг Файстни бошчилигигида 1993йилда дунёда биринчи пассив уй қурилган. Олимлар фикрига кўра Марказий Европа иқлими шароитини инобатга олган ҳолда бу уйларни иситиш учун фақатгина ички энергиядан фойдаланишини кўзда тутилгани ҳолда атроф мухит билан минимал иссиқлик алмашиниш (юқори сифатли иссиқлик изоляцион материаллар ҳисобига) имконини берувчи ва иссиқликни максимал утилизация қилишни ўз ичига олади. 1991 йил Германиянинг Дармштадтида ушбу концепцияни ўзида акс этган илк тўрт хонали турар-жой биноси барпо этилди. 1996 йилдан бошлаб ушбу концепция асосчилари томонидан турар-жойларнинг ҳажмий-тархий ва конструктив ечимлари мукаммал ҳолга келгач, биргина Германиянинг ўзида ушбу турар-жойлардан 1999 йилда 300 та, 2000 йил охиригача ушбу кўрсатгич 1000 дан ортди ва 2007 йилга келиб ушбу кўрсатгич 7000 га етди. **Беляев, Л.П. Хохлова.** “Проектирование энергоэкономичных и энергоактивных гражданских зданий” Ўкув қўлланма. (М.: Высшая школа, 1991г.) ушбу ўкув қўлланмада келтирилган фуқаро биноларни лойиҳалаш учун энергия самарали усувларни қўллаш ва “Пассив уйлар” тизими келтириб ўтилган.

т.ф.д., профессор А.Д.Жуковнинг фикрига кўра, том энергия самарадорлигига асосий жиҳат иссиқлик изольяция материалининг жойлашувидир. Том конструкцияси қатламларининг ўзаро жойлашувининг нотўғри танланиши иссиқлик йўқотилишнинг

камаймаслигига бевосита таъсир кўрсатишини асослаб, ҳарорат-намлик режимини муқобиллаштириш ечимларини тақдим этади.

Шунингдек, Ўзбекистонлик олимлар **Р.Ю.Маракаев, Н.Н. Норов, М.М.Зохидов, Р.Аvezov, А.Ю.Ориповларнинг** фикрлари ва илмий изланишлари ҳақида қўйида келтирилган.

М.М. Зохидов ва Н.Н. Норовларнинг “Жилищное строительство” журналида чоп этилган “Энергия тежамкор турар-жой бинолари” мақоласида турар-жой биноларида энергия тежамкорликни ошириш масаласи тадқиқ этилган ва муҳим илмий-амалий хуносалар шакллантирилган.

Ўзбекистонлик қурувчи олимлар **Р.Ю.Маракаев, Н.Н. Норовнинг** “Ўзбекистон шароитида энергия самарали биноларни лойихалаш”(Т.,ТАҚИ, 2009й) йўналишида ижтимоий соҳа бинолари ва турар-жойларни лойихалашда энергия тежамкорлик масалаларини кэнг ёритиб берганлар. Анъанавий ва ноанъанавий энергия манбаалари, уларнинг Ўзбекистон шароитида қўллаш, гелиобиноларни энергия самарадорлигини ошириш йўллари, уларни вариантларини танлашнинг техник-иқтисодий асосларини келтириб, биноларни энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги масалаларида алоҳида тўхталишган.

Шу жумладан, проф. **Маракаев Р.Ю** муаллифлигига нашр этилган “Биноларни лойихалашнинг физикавий–техникавий асослари” китобида биноларни лойихалашдаги энергия тежамкорлик масалаларини чукур ёритиб, Ўзбекистон Республикаси шароитидаги климатологик таъсирлар, уларни камайтириш йўллари, мавсумий ўзгаришларнинг биноларга таъсири ва янги биноларни лойихалашда эътибор қаратиш лозим бўлган айrim жиҳатларини кўрсатиб берган.

Шунингдек, республикамиз олимларидан т.Ф.д. проф. **Р.Р.Аvezov, А.Ю.Ориповлар** ҳам ноанъанавий энергиялардан фойдаланишга

қаратилган “Иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қуёш системаси” (Т.,Фан 1988й.) номли китобида қуёш энергиясидан фойдаланишда ва Ахмедов Р.Б. “Традиционные и новые источники энергии” (-М.,Наука 1988г.) номли монографиясида энергия самарадорлик соҳасида кэнг изланишлар натижалари келтирилган. Энергия тежамкорликка эришишда қуёш энергияси, шамолдан фойдаланишда ўзига хос илмий–амалий методлар ишлаб чиқилган.

“Ўзбекистонда биноларнинг энергия самарадорлиги” сўровномаси (**БМТнинг UNDP ҳамкорлигида СЕР дастури**) натижалари: унга кўра якка тартибдаги тураг жойларнинг 90%и 20 йил аввал қурилган бўлиб, у пайтда энергия ресурсларига бўлган нарх нисбатан паст бўлганлиги сабабли биноларнинг энергия самарадорлигига учалик аҳамият қаратилмаган: пластик ромлар, иссиқлик-изоляция материаллари, герметизациялаш чора-тадбирлари ва бошқалар деярли ишлатилмаган. Ўрганилган тураг-жой биноларининг 66%ида ёғоч ромлар ўрнатилган (икки қаватли пластик ромларнинг ўрнатилиши иссиқлик истеъмолини 20%га камайтириш имконини беради). Уй томларининг 91,7%ида иссиқлик изоляцияси мавжуд эмас. Биноларни герметизациялаш чора-тадбирлари фақатгина 60% уйларда амалга оширилган.

Тадқиқот методикасининг тавсифи. Тадқиқот ишида математик моделлаштириш, қиёслаш, Ритц усули, “Петров — Галёрkin” усули, таҳлил қилиш, умумлаштириш, кузатув, ўлчаш ва экспериментал текшириш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти шундан иборатки, бино ташқи тўсиқ конструкцияларидан йўқотиладиган иссиқлик миқдори бинонинг қуёш ориентациясига боғлиқлигини математик моделлаштириш, яъни илмий асосга эга формулаларини такомиллаштириш ва физик таҳлили

имконини беришдан иборатдир. Бу билан эса шу соҳа бўйича илмий услугбий қўлланмалар ва дарсликларга тегишли тавсия ва қўшимчалар киритиш демакдир.

Диссертация ишининг қисқача тузулмавий тавсифи.

Диссертация иши аннотация, мундарижа, кириш, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида ишнинг асосланганлиги ва долзарблиги, тадқиқот обьекти ва предмети, тадқиқот мақсади ва вазифалари, унинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, тадқиқот мавзусига доир адабиётлар шарҳи, ишни олиб боришда қўлланилган методика, шунингдек, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг асосий қисми уч бобдан иборат бўлиб, **биринчи бобда** биноларнинг энергия самарадорлигини оширишда ҳалқаро тажриба ва ёндашувлар. Ўзбекистон шароитида турар-жой биноларининг ташқи тўсиқ конструкцияларини энергия самарадорлигини ошириш муаммосининг ўрганилганлик даражаси, ҳамда худуд иқлимий параметрларининг турар-жой биноларига таъсири, турар-жой бинолари ташқи тўсиқ конструкцияларини энергия самарадорлигини оширишда жаҳон тажрибаси баён этилган.

Иккинчи бобда турар-жой бинолари ташқи тўсиқ конструкцияларининг энергия самарадорлигини оширишда мавжуд услублар ва уларни қўллаш технологиялари таҳлили келтирилган.

Учинчи бобда эса Ўзбекистон шароитида қуриладиган якка тартибда қуриладиган турар-жой биноларнинг энергия самарадолигини ошириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш.

I БОБ. Биноларнинг энергия самарадорлигини оширишда ҳалқаро тажриба ва ёндашувлар.

Энергия тежамкор уй - бу шундай биноки унга бино ичидаги қулай микроклиматни таъминлаш учун жуда кам энергия сарф бўлади. Бундай биноларда энергия иқтисоди 90% гача етади. Бу турдаги биноларда йиллик энергия сарфи ҳар 1м^2 учун 15кВт*соат дан ҳам кам бўлиши мумкин. Мисол тариқасида бугунги кунда қурилаётган хусусий уй-жойларнинг кўпгина қисми (темир-бетон пойdevor, “иссиқ пол” тизими қўшимча иситилишсиз, деворлар 1,5 ғишт қалинлакда цемент сувоқ билан бирга, одатий пластик деразалар, том иссиқлик изоляцияси 150мм ва вентиляция тизимидағи ҳавони қайта ишловчи қурилмасиз) иситиш учун сарфланадиган энергия миқдори ҳар 1 м^2 учун йилига 110-130 кВт*соат. Евро иттифоқда уйларнинг қуйидаги классификацияси қабул қилинган.

1. Кам энергия сарфлайдиган уйлар:

Одатий биноларга нисбатан камида 50% кам энергия сарфлайдиган уйлар, қайсики амалдаги энергия истемолини меъёрловчи меъёрлар талабларига жавоб берадиган.

2. Ултра кам энергия сарфлайдиган уйлар:

Одатдаги уйларга нисбатан 70-90% энергия тежамкор бўлади. Мисол тариқасида ултра кам энергия сарфлайдиган уйлар талабларини аниқ ўз ичига олган немисларда Passive House (пассивный дом), франсузларда Effinergie, швецаряликларда Minergie.

1.1 Биноларнинг энергия самарадорлигини оширишда жаҳон тажрибаси.

Кўпгина хорижий мамлакатларда биноларнинг энергия самарадорлигини оширишда бир қатор маъмурий ва иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш ва қўллаб қўватлаш чора тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шулардан қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Энергия тежамкорлик стандартларини жорий этиш, қаътий қурилиш меъёрлари ва қоидалари, тархдаги кўрсаткичлар, бинони иситишига ва ёритишга кетадиган энергия сарфини чегаралаш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар. Туар-жойларнинг энергия самарадорлигини ошириш, қуидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади: янги қуриладиган бинолар учун қурилиш меъёрлари, пассив энергия ва деярли энергия талаб этмайдиган биноларни қуриш, мавжуд биноларни энергия тежамкорлик нуқтаи назаридан қайта жиҳозлаш, қурилиш сертификатсиясини ҳам жорий этиш.

Бугунги кунда Германия энергия самарадорлик соҳасида замонавий технологияларни кэнг қўллаётган дунёдаги – етакчи давлатдир. Ушбу мамлакатда Евро Иттифоқ дастурининг қоидалари миллий қонунучиликда энергия самарадорлик нуқтаи назардан EnEv да аксини топган. Шунингдек биноларнинг энергетик санация дастури ҳам мавжуд. У биринчи навбатда иссиқлик изоляцияси билан боғлиқ: энергия тежамкор дераза ромларини ўрнатиш ва бошқариладиган вентиляция тизимини шакллантириш, чоклар ва ёриқларни геметизациялаш, бинонинг қуёш энергиясидан оптималь даражада ҳимоялаш ориентациясини танлашдан иборат. Бинонинг энергия сарфини меъёрловчи асосий катталик (яшаш майдонинг ҳар бир метр кв.), ушбу дастурга кўрсаткичларига кўра KFW-60 ва KFW-40 шундай, ушбу дастурга мувофиқ бинонинг энергия самарадорлик чора тадбирларини молиялаштириш субсидиялаштирилган кредитлар бўйича амалга оширилади.

Бугунги кунда туар-жой биноларининг замонавий тенденцияси бу “яшил бинолар” қуришдан иборат. Ушбу тенденция доирасида дунёда ягона стандартлар ишлаб чиқилмаган бўлиб бунга сабаб жаҳон тажрибасида бинонинг экологик даражасини аниқлаш ёндашуви ишлаб

чиқилмаган. Ўзигагина тегишли бўлган стандартар фақатгина Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Австралия, Япония ва Хитойдагина мавжуд. АҚШда “яшил бинолар”нинг тўртта стандарти амал қиласди. Баъзи бир штатларда Экологик қурилиш Кэнгаши томонидан тасдиқланган бинолар эгаларига субсидиялар берилади. Кўпгина штатларда қурилиш меъёрлари ҳар йили янгилаб борилади, чунки 2030 йилга қадар ҳар қуриладиган янги биноларнинг энерги сарфини икки маратоба камайтиришдан иборат. Бир қатор шаҳарлар бинонинг энергия тежамкорлик даражасини аниқлашнинг ENERGY STAR дастури доирасида текширишни қонунан белгилаб қўйди, унга кўра 1 дан 100 гача ва ундан ортиқ ҳамда майдони 1000 м^2 ортиқ бўлган бинолар учун мос жадваллардан иборат.

2. Бинонинг энергия самарадорлигини оширишда давлат кўмаги ва субсидясини тақдим этиш. Буюк Британияда Warm Front (Иссиқ Фронт) дастури мавжуд бўлиб, ушбу дастур кам таъминланган оилларга йўналтирилган, унга кўра иссиқлик изоляцияси ва иситиш тизимининг энергия самарадорлигини ошириш амалга оширилади, инвестиция 50 млн фунт стерлингни ташкил этади. АҚШда ҳам ушбу дастур амал қиласди. Японияда субсидиялар “янги энергия манбалари ва саноат технологияларини ривожлантириш” (NEDO) ташкилоти томонидан амалга оширилади, ушбу ташкилот тураг-жой биноларини иссиқлик ҳимоясига мувофиқ (Энергия самарадорлик қонуни асосида) реконструкция қилинади, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи энергия тежамкор маъиший қурилмалар ва самарадор тизимлар билан жиҳозланади. Субсидиялар муносабати билан янги қуриладиган уйларда энергия самарадорлик 15% ва реконструкция қилинадиган уйларда эса қурилгандаги энергия сарфига нисбатан 25% кам энергия талаб этади. Янги ва реконструкция қилинган уй эгалари ҳар

уч йилда NEDO ташкилотига энергия сарфининг ошганлиги тўғрисита маълумот беришлари шарт.

Bernard Schwartz, "Уй-жой Шарқий Европа", Германия қўп қаватли уй-жойларнинг энергия тежамкор санитаризациясини ўтказиш шарти - бу реабилитация лойиҳалари мижозлари бўлган уй-жой мулқдорларининг қобилиятли тузилмаларининг мавжудлиги.

Германияда квартираларнинг 78 фоизи эгаларига тегишли хонадонларни ижарага олади ёки улар билан яшайди; 16% - уй-жой қуриш компаниялари, черковлар, банклар ва бошқалар, уй-жой ташкилотлари; 6% - давлат, ер ва шаҳар уй-жой ташкилотлари. Немис энергия тежаш санитария стратегияси 4 элементни қамраб олади:

- қонунчилик базасини мунтазам такомиллаштириш, масалан, энергия тежаш тўғрисидаги қонун;
- KFW (KFW Bankengruppe) банк гурухи томонидан молиялаштириладиган ва федерал ерлар ва биноларни молиялаштириш дастурлари доирасида молиявий имтиёзлар бериш;
- реабилитация жарайонида қатнашувчилар учун ахборот ва маслаҳатлашувлар, шунингдек, илмий тадқиқотлар ва ноу-хаулар ўтказиш.

Германиянинг шарқий ҳудудида қайта ташкил этилгандан сўнг, уйжой фондининг 70-80 фоизи санитар ҳолатга келтирилди. Масалан, 1993 йилдан бошлаб 2003 йилда Берлиннинг шарқий қисмидаги уй-жой фондини тиклаш учун қарийб 6,2 миллиард евро сармоя киритилди. Бу ўртacha 23 минг евро энергия тежаш чоралари учун қарийб 8,5 минг евро миқдоридаги маблағни ўз ичига олади.

"Санация" атамаси уйнинг бошланғич техник ҳолатини тиклаш учун техник, иқтисодий, молиявий ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда қўп қаватли уй-жой қурилишида комплекс тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Турмуш шароитини яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш узоқ муддатли энергия ва ресурсларни тежаш учун ва уй-жой бозорининг қийматини оширишдан иборат. Санитария одатда, ижаравчилар кўчирилмасдан амалга оширишни назарда тутади. Бу тадбирлар ўз навбатида қуйидагиларни қамраб олади устки қисмида - чордоқнинг исиши, дераза ромларини алмаштириш, деворнинг изоляцияси ва пол изоляцияси, шунингдек томнинг қисмини алмаштириш, балкон ва эшикларнинг санитария-гигиенас ҳолатини яхшилаш, муҳандислик тизимларини қайта тиклаш тизимни модернизация қилишни ўз ичига олади. Иситиш (ҳар бир радиаторда энергия истеъмоли учун термостатлар ва термометрларни ўрнатиш); електр симлари ва шамоллатиш тизимлари; совук ва иссиқ сув таъминоти тизимини алмаштириш, плиткалар ва санитария иншоотларини ҳаммомларда алмаштириш кабиларни ўз ичига олади.

Санитария иқтисодий жиҳатдан мумкин, чунки унинг қиймати янги қурилиш харажатларининг учдан бир қисмига тэнгdir. Молиялаштириш манбаи сифатида хусусий мулкдорларнинг маблағлари, банк кредитлари ёрдам кўрсатилади паст фоизли имтиёзли кредитлар шаклида фоиз ставкалари ва узоқ муддатли кредитлар тақдим этилади.

Уйларда молиялаш маъсулиятини аниқлаш учун қўшма тадбирлар, барча фаолиятлар томонидан тақсимланади умумий ва индивидуал мулкка оид фаолият, умумий мулкка тегишли барча мулкдорлар биргаликда жавобгар бўладилар. Кўпроқ инвестиция кўчмас мулкда иқлимини ва энергияни тежашни таъминлашга йўналтирилганлиги, давлатни рағбатлантириши қанчалик юқори ўрин тутишини инобат олинади.

Латвиядаги уй-жой массиви учун ишлаб чиқарилган иссиқлик энергиясини 74 фоизини ташкил қиласди. 2010 йил бошидаги моделга биноан қурилган бинолар Собиқ иттифоқ стандартларига мувофиқ


лойиҳалар бўлиб, 40% жами уй-жой фондининг 27,0 млн. Қисмини ташкил этади. Тизимга уланган, одатда бир квартиранинг ўртача энергия истемоли Латвияда марказлашган иситиш $212 \text{ кВт}/\text{м}^2$. Ундан $105 \text{ кВт}/\text{м}^2$ иситиш учун сарфланади, $73 \text{ кВт}/\text{м}^2$ эҳтиёжлар ва иссиқ сув таъминоти учун сарфланади.

Энергия самарадорлигининг асосий ўсишига, ойналарни алмаштириш, изоляциялаш каби техник воситалар орқали эришиш мумкин, иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимларини рэконструкция қилиш ва шунингдек, иситиш марказларини модернизация қилиш, мураккаб комплексга киритилган барча усуллар рухсат этилади, иссиқлик истемолини 50% гача камайтиришга эришилади. Бироқ, бундай кўрсаткичларга эришиш учун фақат барча қурилиш ишларининг технологияси ва сифатини кузатиш йўли билан амалга оширилиши керак.

Қурилиш ва таъмирлаш ишларининг сифатини баҳолаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- иссиқлик сарфининг ҳисоби;
- ҳаво ўтказувчанлик даражаси;
- энергетик сертификатлаш.

Қурилиш ва таъмирлаш ишларининг сифатини баҳолашнинг ушбу усуллари бир-биридан мустақил равишда фойдаланилиши мумкин. Шу билан бир вақтда объектив маълумотларини олиш мумкин. Термал тасвиirlарни бир вақтда ишлатиш ва ҳаво ўтказувчанлиги, Иссиқлик изоляцияси ишларининг сифатини баҳолаш натижалари 1.1-расмда аниқ кўрсатилган, дераза ромларини ўрнатишда ўзаро элементлар туташгандаги нуқсонлар анчагина кўринади.



а

б


1.1-расм:

- а) ўзгармас босимда бино тарзининг тепловизорда кўриниши;
- б) ўзгарувчан босимда бино тарзининг тепловизорда кўриниши.

1.1-расмда ҳаво ўтказувчанлиги (а) ва 50Па (б) босимининг ўзгарувчан босимида ҳаво ўтказувчанлиги учун синовдан ўтказилмаган ҳолда термовизён текшируви (компания томонидан тақдим этилган маълумот) ООО "ИРБЕСТ", Латвия) Шаклда кўриб ўтилганидек, ҳаво ўтказувчанлик синови бизнинг ички ҳаво хароратиниг яқинлашаётган даражаси ва очиқ ҳавонинг инфильтрацияси юкори бўлган жойларни аниқ аниқлаш имконини беради. Бундай камчиликларни ўз вақтида тузатиш ва бартараф этиш нафақат операцион харажатларни камайтиришга имкон беради, балки ички ҳаво сифатини яхшилайди. Латвияда заводлар, Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда, нафас олиш тестиини ўтказиши керак. Ҳаво ўтказувчанлигини баҳолаш текширувдан олдин ва янгилаш ишлари тугагандан кейин бажарилиши тавсия этилади. Иссиқликни кўриш учун "биноларнинг термал хусусиятлари" га кўра, дифференциал босим билан амалга оширилиши лозим. Термал бузилишларни аниқлаш усулларидан бири бу Инфрақизил усул. Замонавий қурилишдаги асосий муаммолардан бири ҳам ойналарни нотўғри ўрнатишдир. Деразаларни ўрнатиш технологиясига риоя етмаслик экцфилтрация / инфильтрация даражаси ошишига, шунингдек, иссиқлик узатишни оширишга олиб келади, ром ва

девор улашган жойларда иссиқлик йўқотишлиарни амалга ошишига сабаб бўлади.

1.2-расмда термал иссиқлик узатиш коэффициенти ($\text{Bt}/\text{m} \cdot ^\circ\text{C}$)



Девор ва деворнинг кесиши масида кўприк бўлади.

1.2-расм:

- деразанинг ташқи иссиқлик изоляцияси;
- деразанинг ички иссиқлик изоляцияси.

2-шаклдан кўриниб турибдики, ойна тўғридан-тўғри ташқи томонга ўрнатилганда иссиқлик кўприги иссиқлик узатиш коэффициенти иссиқлик изоляциясининг қатлами ташқи иссиқлик изоляцияси қатлами олдида ўрнатилганидан камроқ бўлар экан. 4,4 м атрофидаги деразага мўлжалланган иссиқлик учун жами иссиқлик тежамкорлиги қуидагича бўлади:

$$K = d_x \cdot \Pi \cdot 24 \cdot T_{\text{град}} \cdot 10^{-3} = 0.05 \cdot 4.4 \cdot 24 \cdot 4060 \cdot 10^{-3} = 21 \text{kBt}_x = 0.02 \text{MBt}_x$$

бу ерда Π - дераза ойнаси, (м); $T_{\text{град}}$ - иситиш мавсуми.

Шуни алоҳида қайд етишни истардимки, бинолар хизмат ёки қурилиш ташкилотлари ташқи қопламали материалларни танлаш ва ёпиштириш иншоотларнинг исиб кэтилганда иссиқлик режимига

етарлича эътибор берилмайди. Бу еса сув буғининг концентрациясига ва ёпиқ структурада намликни тўплашга олиб келади. Ҳаддан ташқари иссиқлик изоляциясидаги намликнинг тўпланиши иссиқлик изоляцион хусусиятларини сезиларли даражада пасайтиради.

Асосий энергиянинг талаб даражаси Полшада барпо этилаётган янги замонавий биноларда қуйидаги технология бинолар kVt/m^2 учун турли энергиясидан фойдалидир: - кўп бинолар бетон деворли 20-30 см ва юқори самарадорлиги индивидуал пештахта минватадан изоляция жами 20-25 см, марказий иситиш тизимлари билан иситиладиган жойларда полистирол камида 20 см ёки қияликларда ёғоч том бир қатлам билан текис томга 15 см полистирол иссиқлик изоляцион материал билан қоплаш мақсадга мувофиқ. Индивидуал уй-жойлар изоляция 20-25 см минвата, индивидуал газ қозонларига эга биноларда, девор 20-30 см, ичи бўш ғишт деворларда қалинлигини ва изоляция пенополистирол 15 см бўлади. Девор, шифтлар ва пойдеворларнинг юқори иссиқлик изоляцияси ҳажми иссиқлик юқори стандартларга жавоб беради, қалинлиги тахминан 15 см бўлади. Замонавий изоляцияланган ойналар ва эшиклардан фойдаланиш натижасида биноларнинг вентиляция тизимларининг самарадорлигини текшириш, кам шамоллотиши натижасида девор ва шифтлар устида моғор ва чиришларнинг олдини олиш имконини беради.

1.2 Тураг-жой биноларининг микроиклим кўрсаткичлари

Ўзбекистон иқлим зоналарининг таҳлили

Ўзбекистон кескин континентал иқлим зonasида жойлашган. Бу ерда ҳаво температурасининг катта ўзгаришлари қузатилади. Ўзбекистон ҳудудининг 37-45 градус шимолий кенглиқда жойлашгани ўзига хос инсолация режимини ҳосил қиласди. Бу ҳудуд учун хос томонлар: қуёш баландлиги юқори (ёз кунлари кун ўртасида 72 градусни ташкил этади), булутли кунлар нисбатан кам, атмосфера шаффовлиги юқори, қуёшнинг қайтган-сочилган радиация миқдори жуда катта, тупроқ сиртлари

ёруғликни яхши қайтаради. Шу билан бирга Ўрта Осиёда атмосферада озон миқдори кам ва шу сабабли ултрабинафша нурлар миқдори юқори.

Ўзбекистон ҳудудида иссиқлик радиацияси тарқалишида бир қатор ўзига хос томонлари мавжуд. Қиши кунлари ойлик радиация миқдори жанубдан шимолга қараб аста камайиб боради. Ўртача миқдори шу шимолий кенглиқда жойлашган бошқа мамлакатларга нисбатан бироз кўпроқ. Ёз кунлари радиация миқдори кескин ошади. Горизонтал юзага радиациядан тушадиган иссиқлик миқдори шимолий ҳудудларда жойлашган бошқа мамлакатларга нисбатан 2-3 баробар юқори.

Ёз кунлари қуёшдан тушадиган юқори иссиқлик миқдори ҳаво ҳарорати юқорилиги билан ҳам боғлиқ. Одатда ҳавонинг температураси ёз кунлари 40 градусдан ошади айрим чўл зоналарида 50-55 градусгача етади. Яна шуни таъкидлаш жоизки ёз кунлари кун давомида юқори ҳарорат доимийлиги сакланади.

Қиши кунлари абсолют минимал ҳарорат Сурхондарё вилоятида минус 15,5 градусдан Қорақалпоғистонда минус 40 градусгача етади. Бундан ташқари Ўзбекистон ҳудудининг шимол ва шимолий-ғарб йўналишларида очик зонада жойлашгани сабабли қиши кунлари шу йўналишлардан совуқ ҳаво массалари кириб келишига сабаб бўлади ва бунинг оқибатида қуруқ мўтадил ҳаво билан совуқ ёғингарчиликли ҳаво алмашиниб туради.

Қиши кунлари 1-3 кун ичидаги ҳаво кескин ўзгариши кузатилади ва бир кунлик ҳарорат ўзгариши аниқ қонуниятга бўйсинмайди.

Умумий табиий ёритилганлик Ўрта осиё ҳудудида жуда катта миқдорда. Булутсиз очик ҳавода куннинг ўртасида горизонтал юза ёритилганлиги қишида 50 мингдан ёзда 100 минг лк. гача ўзгаради.

Ўзбекистон ҳудуди иқлим параметрлари бўйича 5 та зонага ажратилган. Чўл, дашт, намли дашт, тоғ яқин ва тоғли зоналар.

Иқлим зоналари биноларни лойиҳалаганда ҳисобга олиниши зарур.

Иқлим параметрларининг таъсири остида бинолар ички иқлими шаклланади. Ички иқлим-инсоннинг иссиқни сезишига таҳсир этадиган барча параметрлар мажмуаси деб қаралади. Ички иқлимнинг асосий параметрлари ҳаво ва ички юзалар температураси, намлик ва ҳаво ҳаракати ҳисобланади.

Инсоннинг ташқи муҳитга кенг биологик мослашиш хусусиятига қарамасда, унинг иссиқлик бошқарув имкониятлари нисбатан кичик метеорологик оралиқда чекланган. Ички иқлим дискомфорти турли касалликларга олиб келиши мумкин. Инсон учун комфорт муҳит бўлиши учун организимнинг иссиқлик бошқарув тизими энег кичик зўриқиши ҳолатида бўлиши керак. Муҳит учун комфорт паратетрлар тегишли нормаларда белгиланган бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб қуруқ иссиқ иқлим шароитида биноларнинг архитектура режавий ечимлари ёзги иссиқ ва қишиги совуқ таъсиrlари ҳисобга олинниб лойиҳаланиши ва бунда бино энергия истеъмоли масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Биноларни лойиҳалашда КМК 2.01.01 га мувофиқ Ўзбекистон худудининг иқлим зоналари инобатга олинади.

I зона – қумликлар таъсири остида бўлган экстремал ёзги иссиқ иқлим билан характерланади.

I зона таркибидаги кичик зоналар IA и IB давомий иссиқ иқлим билан характерланади, хавонинг чанг тузонли ҳолати IA, IB и II; қишиги совуқ иқлим II га мос келади.

II зонага – тоғ ён бағрлари, водий, паст тоғлик худудлар киради ва бу зона нисбатан максадга мувофиқ иқлим ва ландшафт шароитлари билан характерланади.

III зона – тоғлик худудлар – қишида совуқ иқлим кузатилади.

Жадвалда Республика маъмурий худудларининг иқлим зоналарига бўлиниши келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг иқлим зоналарига бўлиниши

Зона-лар	Шахар ва туманлар номи
Каракалпакстон Республикаси	
Ia:	Кунграт, Турткуль
Ic:	Амударьё, Беруний, Коразак, Кегейлий, Кунграт, Канликуль, Муйнак, Нукус, Тахтакупир, Турткуль, , Шуманай, Элликка
Id:	Бозатуз, Коразяк, Кегейлий, Кунграт, Канликуль, Нукус, Тахтакупир, Ходжейлий, Чимбай,
Андижон вилояти	
II	Алтинкуль, Андижон, Баликчи, Боз, Джалалкудук, Избаскан, Улугнор, Кургантепа, Асака, Мархамат, Шахристан, Пахтаабад, Ходжаабад, Булакбashi
Бухоро вилояти	
Ia:	Алат, Бухара, Каган, Каракуль, Жандар , Шафрикан, Караулбазар
Ib:	Бухара, Вабкент, Гиждуван, Пешку, Рамитан, Жандар, Шафрикан
Жиззах вилояти	
Ib:	Арнасай, Дустлик, Заамин, Зарбдар, Мирзачуль, Зафараабад, Фариш, Пахтакор
II	Бахмал, Галларал, Жиззах, Зоомин, Зарбдор
III	Бахмал, Галларал, Жиззах, Зоомин, Зарбдор
Кашкадарё вилояти	
Ia:	Гузар, Нишан, Чиракчи
Ib:	Бахористан, Гузар, Дехканабад, Камаши, Карши, Касан, Китоб, Мубарак, Нишан, Касби, Усман Юсупов, Чиракчи, Шахрисабс, Яккабаг.

II	Бахористан, Камаши, Карши, Мубарек, Яккабаг
III	Бахористан, Камаши, Карши, Мубарек, Яккабаг
Навоий вилояти	
Ia:	Кизилтепа, Новбахор, Навоий, Нурата, Тамди, Учкудук, Хатирчи
Ib:	Канимех, Навоий, Нурата, Учкудук, Хатирчи
Ic:	Учкудук, Хатирчи
II	Канимех, Навбахор, Навоий, Тамди
III	Канимех, Тамди
Наманган вилояти	
II	Задарьё, Касансой, Наманган, Нарин, Пап, Туракурган, Уйчи, Учкурган, Чартак, Чуст, Янгиурган
III	Задарьё, Пап, Чуст
Самарканд вилояти	
Ia:	Нарпай, Пайарик
Ib:	Гузалкент
II	Оқдарьё, Гузалкент, Булунгур, Жомбой, Иштихон, Каттакургон, Кўшрабат, Нарпай, Пайарик, Пастдаргом, Пахтачи, Самарканд, Нурабод, Ургут, Тайлак, Челак
Сурхандарё вилояти	
Ia:	Ангор, Музрабат, Джаркурган, Кумкурган, Кизириқ, Шеробад, Ангор, Музрабат, Жаркурган, Кумкурган, Кизириқ, Шеробад
Ib:	Алтинсай, Байсун, Бандихан, Денау, Жаркурган, Кумкурган, Кизириқ, Сариосиё, Терmez, Шеробод, Шурчи, Узун
II	Алтинсай, Байсун, Бандихан, Денау, Кумкургон, Сариасиё, Шеробод, Шурчи, Узун
III	Байсун, Бандихан, Сариасиё, Шеробод, Шурчи
Сырдарё вилояти	

Ib:	Оқолтин, Баявут, Сайхунабод, Гулистон, Шараф-Рашидов, Мирзаобод, Мехнатобод, Сырдарё
II	Оқолтин, Баявут, Хаваст
Тошкент вилояти	
Ib:	Бекобад
II	Аккурган, Ахангаран, Бостонлик, Бука Куйи-Чирчик, Зангиата, Юкори-Чирчик, Паркент, Пскент, Урта-Чирчик, Кибрай Ташкент, Чиназ, Янгийўл
III	Ахангаран, Паркент, Пскент, Урта-Чирчик
Фарғона вилояти	
II	Алтиарик, Ахунбабаев, Багдад, Бувайда, Бешарик, Кува, Учкуприк, Риштан, Ташлак, Узбекистан, Фарғона, Дангара Язъяван, Соҳ, Фуркат
Хоразм вилояти	
Ia:	Хазорасп
Ic:	Багат, Гурлан, Кошкупир, Урганч, Хазорасп, Ханка, Хива, Шоват, Янгиарик, Янгибазар

Жиззах шаҳар иқлимининг параметрлари

Ташқи ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати: 14.3 °C

Ташқи ҳавонинг абсолют минимал ҳарорати: -31.7 °C

Абсолют максимал ҳарорати: 44,5 °C

Энг иссиқ ойнинг ўртача максимал ҳарорати: 35,8 °C

Энг совуқ ойнинг ўртача минимал ҳарорати: -3.5 °C

Ойлар бўйича ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати °C

I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
-0.4	2	7.9	14.7	20.2	24.9	27.1	25.1	19.6	12.8	6.7	2



Ташқи ҳаво ҳароратининг ойлар бўйича ўртача суткалик амплитудаси °C

I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
9.6	9.7	10.6	12.3	13.9	15.7	16.8	17.5	16.9	14.7	11.3	8.9



Бино хоналаридаги асосий микроқлим кўрсаткичларига қўйидагилар ташкил этади:

- ташқи тўсиқ конструкцияларнинг юзадаридаги ва хонани ташкил этувчи асосий қисмларидағи ҳарорат;
- хона ҳавосининг намлиги;
- хона ҳавосининг санитар- гигиеник ҳолати (сифати);
- ички ҳавонинг тўсиқ конструкцияларга нисбатан агрессив ёки прогрессив ҳолатдалиги.

Ҳавонинг ташқи тўсиқ конструкцияларга нисбатан агрессив ёки прогрессив ҳолатдалигига нафақат ҳаво таркибидаги кимёвий бирикмаларни бор ёки йўқлигига, балки ҳаво мухитининг ҳарорати ва намлигига ҳам боғлиқ.

Ҳарорат ва намликнинг кўрсаткичларининг энг кичик ва энг катта ҳисобий кўрсаткичлари, уларнинг йил давомида фаслларда ўзгариши ва бино ички мухити одамларга таъсири мухим бўлиб ҳатто тўсиқ конструкцияларни лойиҳалашда мухим аҳамиятга эга. Лойиҳалаш жарайонида аксар ҳолларда бино хоналаридаги ҳарорат ва намликнинг ўртача кўрсаткичлари қабул қилинади. Бу кўрсаткичлар, бинонинг (хонанинг) ости қисми учун гигиеник талабларга жавоб беради. Бинонинг мақсадга мувофиқлик турларига асосан, уларда мўътадил ҳарорат ва намлик мухитлари шакилланади. Баъзи саноат биноларида технологик жарайон катта миқдорда иссиқлик ва намлик ажратиб чиқиш ҳолати билан боғлиқ. Бундан ташқари технологик жарайон натижаси ўлароқ ички мухитга газ, сув буғи, чанг ва агрессив (туз, ишқор, кислота) аралашмаларини ажратиб чиқаради. Ўзгарувчан ташқи ҳаво таъсири ўлароқ дискомфорт ички мухит ҳосил бўлади. Хоналардаги ташқи мухитдан ажратиб, чэгаралаб турувчи конструкциялар хоналарда микроқлим яратишида катта аҳамиятга эга. Хоналардаги одамлар

фаолияти ва ишлаши учун муҳим бўлган иқлим кўрсаткичларига қуидагилар киради:

- хона ҳавосининг ўртacha ҳарорати ва унинг бир сутка давомида тебраниши;
- ҳамма тўсиқ конструкциялар ички сиртининг ўртacha ҳарорати;
- хонадаги ҳавонинг намлиги ва гигиеник ҳолати.

Хонадаги ҳавонинг ҳаракат тезлиги қиши фасли учун кам аҳамиятга эга бўлиб, гигиеник нуқтаи назардан ҳаво ҳаракатини тезлиги ёз фасли учун муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари конструкциянинг иссиқлик-намлик ҳолати ва уларнинг узоқ муддатга чидамлилиги учун хона ичида конструкцияга нисбатан агресив муҳит бор-йўқлиги муҳимдир. Агар ташқи тўсиқ конструкциянинг ички сиртида қиши фаслида конденсацион намлик ҳосил бўлмаса, конструкциянинг ишлатилиши мўътадил ҳисобланиб унинг ишлатилиш муддати яъни узоқ муддатга чидамлилиги ошади.

Одам организмидан сарф бўлаётган 45-60 фоиз иссиқлик микдори ташқи тўсиқ конструкциясининг ички сирти ҳароратининг пасайиши туфайли бўлиб, ша сабабли тўсиқ конструкциялар ички сиртининг ўртacha ҳарорати (радиацион ҳарорат) гигиеник нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга.

Бу сиртларнинг ўртacha ҳарорати қуидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$\boxed{\quad} \quad (1.2)$$

Бу ерда:

t_h ва Φ – турли конструкцияларнинг ҳарорати ва юзаси;

$\Sigma\Phi$ – ҳамма тўсиқ конструкцияларининг юзаларини йигиндиси.

Агар хона ичида иссиқлик фақат нурланиш орқали бўлса (масалан: ёз фаслида деразадан инсолация орқали) ва ҳаво алмашиниши нолга тэнг

десак, ҳаво ҳарорати ўртача сиртлар ҳароратига, яъни радиацион ҳароратга тэнг бўлади:

$$T_x = T_{h.\text{ўрт}} \quad (1.3)$$

Агар қиши фаслида хоналарда иссиқлик алмашинуви мўътадил бўлса хона ҳароратини қўйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин.


$$T_{h.h} = 0,5 (T_x + T_{h.\text{ўрт}}) \quad (1.4)$$

Бу ҳароратлар йиғиндисининг ярми хонанинг натижавий ҳарорати ҳам дейилади.

Радиацион ҳарорат пасайса, инсон учун комфорт мўътадил шароит яратиш учун ҳаво ҳароратини қўтариш керак, аксинча радиацион ҳарорат қўтарилса ҳаво ҳароратни камайтириш керак. Бу назария қўпчилик хорижий ҳамда Ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқотлари натижалариидир.

Ёз фасли учун хона ичидағи максимал ҳарорат $+28^{\circ}\text{C}$ қабул қилинган, хорижий давлатларда еса бу кўрсатгич $+30^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Америкалик иситиш ва ҳаво алмасиши ассоциацияси жамияти мухандислари томонидан таклиф этилган мўътадил-комфорт шароит номограммаси 1.3-расмда кўрсатилган.



1.3-расм: Ёз фаслида мўътадил ҳароратни аниқлаш учун номограмма.

Тўсиқ конструкциясининг ички сиртининг максимал рухсат этилган ҳарорати, гигиеник талабларга асосан хона баландлигига боғлиқ.

Бу ҳароратни аниқлаш учун проф. Н. В. Богословский томонидан қуидаги формула таклиф этилган.

$$\boxed{\text{[Redacted]}} \quad (1.5)$$

Бу ерда $\boxed{\text{[Redacted]}}$ - бурчакнинг нурланиш коеффициенти;

Δh - ўрта бўйли одам баландлигидан хона бадандлигини фарқи, м.;

$$\boxed{\text{[Redacted]}}$$

Бу ерда: l нурланаётган сиртларни ени ва баландлигини йифиндисининг ярми, м. а ва b – нурланаётган сирт ени ва баландлиги, м.

Агар нурланаётган сиртлар учун турар жой биноларининг ўртача ташки деморини ўлчамларини қабул қиласак $1 \boxed{\text{[Redacted]}} = 12$ бўлиб $\Delta h = 2,2$ м. Бўлса $t_{\text{сmax}} = 29,3$ °C бўлад ва $\Delta h = 4,5$ бўлганда $t_{\text{сmax}} = 31,6$ °C бўлади.

Бу назарияни ёзи иссиқ ва қуруқ бўлган регионларда қўллаш, гигиеник нуқтаи – назардан мақсадга мувофиқ эмас. Биноларни лойихалашда қурилиш қонун ва қоидаларида қўрсатилганидек хоналарда мўътадил ҳаво ҳарорати ва намлигини ташкил этиш зарур.

Қурилиш қоидаларига биноан хонадаги ҳаво ҳарорати қуидагича бўлади:

Паст ҳарорат (8-12 °C), ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган биноларда, хоналар кучсиз иситилади.

Мўътадил ҳарорат,

A) 12-15 °C – одамлардан физик куч талаб етувчи ишлар билан машғул бўлган хоналарда;

Б) 18-20 °С – одамлардан физик куч талаб этилмайдиган хоналарда.

Юқори ҳарорат (21-23 °C), физик куч талаб этилмайдиган, энгил кийимда аниқ ишлар билан боғлиқ бўлган хоналарда.

Ички ҳавонинг намлигини кўрсатувчи асосий кўрсаткич нисбий намлик бўлиб, унинг катталиги фоизда ўлчанади.

Хоналарда нисбий намликнинг ўзгариши қуидагича белгиланади.

$\phi < 50\%$ бўлса, хона ҳавосининг намлиги қуруқ ҳисобланади; $\phi = 50-60\%$, хона ҳавосининг намлиги мўътадил ҳисобланади; $\phi = 61-71\%$ бўлса, хона ҳавосининг намлиги “нам” ҳисобланади; $\phi > 75\%$ бўлса, хона ҳавосининг намлиги “хўл” ҳисобланиб, бу ҳолда ташқи тўсиқ конструкция сиртларида қиши фаслида конденсацион намлик ҳосил бўлиши эҳтимоли бор.

1.3 Биноларнинг энергия самарадорлигини оширишда такомиллаштирилган комплекс ёндашув.


Энергияни тежаш масалаларини ҳал қилишнинг комплекс ёндашуви ҳақида гапирадиган бўлсак, бу иссиқлик йўқолишига қўшимча равишда аниқ бўлади бинолар ва иситиш тизимларининг тузилмалари, бошқа жиҳатларни ҳисобга олиш керак. Интеграциялашган ёндашув барқарор ривожланишнинг учта асосий ва машҳур тамойилларини қамраб олиши керак: экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларнинг мувозанатидир. Ҳар учала қоида мезонларини белгилаши керак бинолар баҳоланади ва солиширилади. Кўриниб турибдики, энергия истеъмоли жуда кўп мезонлардан биридир.

Биноларнинг энергия самарадорлигини оширишнинг комплекс ёндашуви ҳажми каби қўшимча жиҳатларни ўз ичига олади.

-инвестициялар, сотиш таҳлиллари, экологик тоза материаллардан фойдаланиш, дизайн принциплари, ички -конфор ва бошқалар. Энди, уларни батафсил кўриб чиқайлик.

1. Инвестицияларнинг ҳажми энг муҳим жиҳатлардан биридир энергия самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича қарорларни қабул қилиш. Ҳеч қайси энергия тежаш лойиҳаси иқтисодий жиҳатдан мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилиши мумкин эмас. Шаҳарлардаги харажатлар қишлоқ жойларига қараганда анча юқори минтақаларда иқтисодий ўсиш ва иқтисодий инқироз даврида нарх даражасида фарқ мавжуд. Умумий инвестицияларга архитектура дизайнни, техник лойиҳалашни, керакли сифатли бино қуришни, шу жумладан тўлиқ ҳажмдаги қурилишни киритиш керак бинонинг техник жиҳозлари, шунингдек, ҚҚС (Кўёумча қиймат солиғи).

Энергия тежовчи ечимларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари



Табиий(натура) тажриба ва синовларни ўтказиш	Биноларни ягона энергия тизими сифатида математик моделлаштириш ва одатда вақт давомида иссиқлик истеъмолини аниқлаш	Энергия тежовчи ечимлар аналогини қўллашнинг натижаларини таҳлил қилиш	Энергия тежовчи системаларини ўрнитувчи ва ишлаб чиқарувчиларнинг маълумотларидан фойдаланиш
--	--	--	--

2. Бинонинг рентабеллигини унинг ҳаёт айланиши давомида таҳлил қилиш. Биноларнинг энергия самарадорлиги ва қўлланиладиган чораларнинг иқтисодий жиҳатлари мувозанатланиши керак. Иқтисодий жиҳатдан мақбул даражани аниқлаш керак бинонинг бутун ҳаёт айланишини инобатга олган ҳолда, бинонинг рентабеллигини таҳлил

қилиш орқали. Евropa Иттифоқи дастури 2010/31 / ЕС "иқтисодий жиҳатдан мақбул даражада" энергия самарадорлиги даражасини англатади Ҳисобланган иқтисодий даврда энг паст нарх. Кам маблағ капитални ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ҳаражатлар, техник ва операцион ҳаражатлар (энергетик ва жамғарма ҳаражатлари, энергия киритиш), агар мавжуд бўлса, ва чиқиндиларни йўқотиш, мавжуд бўлган жойларда амалга оширилади.

3. Туар жойларни комплекс режалаштириш. Интеграциялашган режалаштиришнинг энг муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

-ўзлари: уларнинг ихчамлиги, шу жумладан юқорига ва пастга ҳаракатланиш жойларига ёки иш жойларига қисқа йўллар мавжудлиги; жамоат транспортида қисқа масофа; эришиш учун ижтимоий мувозанат

-турмушнинг барқарор сифати; иссиқлик йўқотилишини минималлаштириш биноларнинг ихчам турларини жорий етиш;

-максимал табиий нурдан фойдаланиш; пассив иситиш учун қуёш энергиясидан максимал фойдаланиш, худудларни иситиш тизимидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш; атроф-мухитга етказилган заарни минималлаштириш;

4. Бинолардаги қулай иқлим. Ҳар қандай бино керак Лойиҳалаш ва қуриш учун шундай қилиш керак соғлом, хавфсиз ва қулай ёпиқ иқлим.

Қурилиш режаси ва аниқ техник режалар миллий қонунчиликда белгиланган бинолар учун иқлимий талабларга жавоб бериши керак. Режалаштирганда иссиқликни қандай ушлаб туриш кераклигини ҳисобга олиш керак бинонинг ҳолати. Бинолар ички ҳавонинг сув буғуси бўлмаган тарзда ишлаб чиқилиши ва қурилиши керак бинолардаги концентрланган (деразалар, рамкалар, деворлар, шамоллатиш тизимлари ва бошқалар) ва бу заарга олиб келмайди. Хонада намлик бўлиши керак белгиланган қийматлар ичida қолади. Қоидалар ва кўрсатмалар, овоз

ютилиши чораларини қабул қилиш керак. Биноларни лойиҳалаш ва қуришда учувчи органик бирикмалар концентрацияси (ВОС) бўлиши керак миллий қонунчиллик талабларига мувофиқ равишда ҳисобга олинади ва минималлаштирилади. Бундан ташқари, бу керак радон концентрациясини ҳисобга олиш ва агар керак бўлса, қабул қилиш уни камайтириш ёки миллий қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган маҳсус чоралар.

5. Экологик материаллар. Қурилиш материаллари бинонинг баҳолаш қисмидир ва барча қурилиш тизимларини баҳолаш учун жуда мухимдир. Европа Иттифоқида ҳаммаси қурилиш материаллари ёрлиғи бўлиши керак. Материалларнинг Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлатилиши ва тарқатилишига, шунингдек, синовлар ўтказилишига ва материалларнинг барча талабларга жавоб берадиганлигини кўрсатади. Бироқ, бу ёрлик материалнинг атроф мухитга зарар келтирадиган ёки экологик жиҳатдан ашаддий материалдир, дегани эмас. “САПЕМ” лойиҳасига кўра, экоматериал атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатадиган ва соғликка салбий таъсир кўрсатадиган материал / маҳсулот ҳисобланади. Масалан, бинони рэконструкция қилиш ёки модернизация қилишда қуйидаги заарли моддаларни ўз ичига олган материаллардан фойдаланиш ёки уларни алмаштиришдан эҳтиёт бўлиш лозим: асбест, фреонлар; кадмий таркибидаги моддалар (масалан, бўёқлар); ҳал қилувчи, пластмасса ёки формалдегидлар, қатронлар юқори бўлган моддалар; Ўрмон хўжалиги кэнгаши томонидан тасдиқланган ҳоллар бундан мустасно, сертификатланмаган ёғоч, ёпиштирувчи ва битум, тропик ёғоч бўёқлар. Энергия стандарти. Уйни қуриш қарорини режалаштирганда ёки қабул қилганда, энергия стандарти унинг кейинги энергия сарфини белгилайди. Бундан ташқари, муайян энергия стандартига эришиш учун зарур бўлган техник чора-тадбирлар аниқланади. Ҳозирги кунда иккита аниқ белгиланган стандарт мавжуд:

биринчи - ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилиги билан белгиланади ва иккинчиси "пассив қурилиш стандарти" деб номланади. Бино энергия стандартларини баҳолаш мезонлари йилига квадрат метрга тэнг бўлган иссиқлик энергиясидан фойдаланишга асосланган. Энг яхши намуналар қаторида энергия сарфлашнинг нол бўлмаган бинолари ва пассив қурилиш стандарти ҳам бор. Дизайн асослари. Дизайн - яхши юқори энергия стандартига эришишнинг асосий босқичи, шунингдек бинонинг жозибали кўриниши. Энергия тежамкор биноларни лойиҳалашда ишлатиладиган бир неча асосий дизайн принциплари мавжуд: бинонинг ихчамлиги, оптимал районлаштириш ва жойлашиш, қуёш нуридан фойдаланиш, табиий ёруғлик, соялар ва иссиқлик муҳофазаси. Мураккаб фикрлаш лойиҳалаштириш босқичида ва қурилиш ва бошқарув жарайонида ҳам қўлланилиши керак. Бино ёки унинг қисмларини ишлатишда мослашувчанлик таъминланиши керак. Сифатни назорат қилиш. Қурилиш лойиҳасининг техник қўлланилиши тўғри бўлмаса, энг яхши режалаштириш ҳатто фойдасизdir. Қурилишдан фойдаланишни режалаштириш, лойиҳалаш ва қурилишни тугаллаш босқичларида мониторинг ва текширишга эҳтиёж бор. Сифатни назорат қилиш жарайони лойиҳани амалга оширишни баҳолаш сифатида баҳоланади. Одатда лойиҳа миллий қонунчилик талабларига мувофиқ тасдиқланади. Кейинчалик мониторинг (мунтазам равишида мунтазам равишида) барча қурилиш жарайонида амалга оширилади. Барча қурилиш жарайонлари текширилиши ва ўлчов қилиниши керак. Турли сертификатлаштириш схемалари бўйича тақдим этиладиган мустақил сертификатлаш ва қаттиқ қоидалар туркуми (масалан, пассив бинонинг сертификати) жорий қилиниши мумкин. Том изоляцияси. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, томнинг юзаси орқали умумий иссиқлик йўқолишининг тахминан 10-20% ташкил қилиши мумкин. Иқлим шароитидан қатъи назар, изоляцион том ёпиш материалини камида 15-20 см (иссиқлик ўтказувчанлиги $l = 0040$

Вт / мк) қалинлиги билан ишлатиш тавсия этилади. Марказий Европа иқлимида пассив уй учун 40 см энергияни кам сарфлайдиган уйлар учун 30 см қалинликдаги изоляциялаш зарур. Фон изоляцияси. Кўпгина уйларнинг деворлари энергия йўқотишининг энг катта қисми бўлиб, энергия истеъмолига энг катта таъсир кўрсатади. Деворлар умумий иссиқлик йўқотилишининг тахминан 20-30 фоизини бериши мумкин. Иқлим шароитларидан қатъи назар, деворларнинг минимал ташқи изоляцияси 10 см дан кам ($\lambda = 0040$ Вт / мК) бўлиши тавсия этилади. Энергия тежайдиган уйлар учун ўртача 24 см, Марказий Европа иқлимида пассив уй учун 35 см. Заминни ажратиш. Замин умумий иссиқлик йўқотишининг 5-10 фоизига таъсир қилиши мумкин. Конфор учун катта аҳамиятга эга. Кўлларингизни иситишсиз оёқларингизни иссиқ ушлаб туришининг энг яхши усули, заминни ажратиш ёки товушини изоляция қилишdir. 4 см ($\lambda = 0040$ Вт / мК) кичкина қават изоляциялашни тавсия қилиш тавсия этилади. Энергия тежайдиган уй учун 16 смгача, Марказий

Европа иқлимида пассив уй учун 30 см. Деразаларни иссиқлик узатиш коэффициенти. Қуёш нурини олишдан ташқари, деразалар иссиқлик узатиш йўли билан умумий иссиқлик йўқотилиши тахминан 15% ни ташкил қиласди. Йўқотилган иссиқлик энергиясининг миқдори, асосан, деразалар сонига ва рамканинг қалинлигига, шунингдек, дераза ойнасини “Пена” билан тўлдириш даражасига боғлиқ. Деразаларнинг энергия сифати кўрсаткичи иссиқлик узатиш коэффициенти (У-қиймати). Барча ойна (УW) нинг Уқиймати шиша У-қийматини, шиша қопламаси бўйлаб иссиқлик кўприги орқали рамкаларни ва йўқотишни ўз ичига олади. Асосан, УW қиймати тахминан 5,6 В / бўйича К бўлган эски деразалар бир рамкага эга. Иккита квадратчалар ва ташқи қопламали ойна УW қиймати 2,3 Вт / сантигратгача бўлган. Замонавий учта шиша чуқурликда Уw қиймати 0,8 Вт / м²⁰С.13 га етиши мумкин. Бинонинг

ёпишқоқлиги. Иссиклик йўқотилиши бинонинг ичкарисидан ички муҳити ичидағи ташқи муҳитга чиқадиган иссиқлик оқимини англатади. Шундай қилиб, бинонинг қобиғининг герметиклиги иссиқлик йўқотишларининг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Қоплама иншоотлари оқими орқали исиб кетиш 10% га етиши мумкин. Чидамлилик кучайган ва назорат қилинган ҳолларда заарларни сезиларли даражада камайтириш мумкин. Ҳаво ўтказувчанлик синови билан бинонинг бутунлигини ўлчаш ва қочқинларни аниқлаш мумкин. Янги бинонинг энг кам ҳаво зичлиги ҳаво алмашинув курсидан пастроқ бўлиши керак - соатига 3 марта (яни <3 x-1). Яхши нисбат 1 соатдан камроқ. Пассив уйлар учун ёпишқоқлик 0,6 x-1,14дан кам бўлиши керак. Шамоллатиш. Ҳозирги кунда энергия тежамкор қурилиш ва рэконструкция қилиш билан шамоллатиш масаласи кўпинча кам баҳоланади. Кўпгина ҳолларда, мавжуд биноларда энергияни тежашнинг асосий усули эски деразаларни янги, ёпиқ ва энергияни тежаш билан алмаштиришdir. Бундай ҳаракатларнинг бошқа томони - тоза ҳаво йўқлиги туфайли ҳаво алмашинувининг йўқлиги. Бу хонада намликнинг ошишига ва моғор босиши учун қулай бўлган иқлим шароити яратилишига олиб келади. Иссикликни тиклаш билан жиҳозланган шамоллатиш тизими бинонинг энергия самарадорлигини ошириш учун ечимдир. Бундай тизимнинг мавжудлиги пассив стандартнинг уйи учун мажбурийдир. Иситиш ва совутиш. Одатда бино энергия самарадорлигини ошириш учун иситиш ва совутиш тизимлари оптималлаштирилиши керак. Улар орасида самарали қозонлардан фойдаланиш, паст ҳароратли иситиш тизимларини ва конденсатли қозонлардан фойдаланиш, яхши оптималлаштирилган иситгичлар (радиаторлар, иситиш зоналари ва бошқалар) мавжуд. Энергияни тежайдиган юқори самарадорли насослардан фойдаланиш тавсия этилади. Иситиш тизимининг барча қувурларини иссиқ сув изолацияси ва иссиқ сув таъминоти иссиқлик йўқотилишининг пасайишига олиб келади.

Иситиш елемэнтлари учун автоматик ҳарорат назорати билан термостатни ўрнатиш ҳарорати назорат қилиш имконини беради. Иссиклик талаб қилинмагани учун ҳароратни пасайтириш (масалан, кеча ёки ижарачиларнинг йўқлиги) энергия сарфини камайтиради. Термометрлар ўрнатилиши индивидуал иситиш ва совутиш қурилмаларининг энергия истеъмоли хабардорлигини оширади. Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш. Фотоалбом энергия манбаларининг захиралари чекланган, атроф-муҳит муаммолари ва энергия талабининг кутилаётган ортиши қайта тикланадиган энергия манбаларининг янада фаол ривожланишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Қайта тикланадиган энергия манбалари электр ва иссиқлик ишлаб чиқариш учун сув, қуёш нурлари, шамол, ёмғир, тўлқинлар, геотермик манбалар ва биомасса каби табиий ресурслардан олинадиган энергия ҳисобланади. Қайта тикланадиган энергияни ишлатиш мавжудлиги, технология ривожланиш даражаси ва харажатлар каби бир қанча омилларга боғлиқ. Бу омиллар ҳар доим эътиборга олиниши керак.

1.4 Жиззах шахри иқлим кўрсаткичлари ва уларни ташқи тўсиқ конструкцияларни иссиқлик физик хусусиятларига таъсири.

Якка тартибда қуриладиган тураг-жой биноларини лойиҳалашда ва қуришда биринчи навбатда қурилиш жойининг кўрсаткичларига эътибор қаратиш лозим. Чунки бу турдаги тураг-жой бинолари индивидуал тарзда лойиҳаланади бу эса ўз навбатида лойиҳачидан алоҳида эътиборни талаб этади. Ўзбекистон иқлими тўғрисида гап кетар экан, у шимолий ярим шарда, Марказий Осиёning марказида жойлашган. Ўзбекистон иқлими унинг географик ўрнидан ташқари, худудининг океан сатҳидан баландлиги ва рельефининг шакли ҳам таъсир қиласи.

Республика ҳудудининг тўртдан бир қисми тоғлардан иборат, қолган қисми океан сатҳидан 100-200 м баландликда жойлашган. Текислик ғарбдан жанубий-шарққа томон адирларга, адир эса тоғларга

туташиб кетади. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди 447,4 минг км^2 дан иборат бўлиб, чегаралари 5300 м дан ортиқни ташкил этади, асосан Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган. Текислик (чўллар)лар майдони республика ҳудудининг 75 % ташкил этади. Чўллар дэнгиз сатҳидан 300-400 м баландда жойлашган бўлиб, иқлими кескин континентал. Июл ойининг ўртача ҳарорати $+30 \div 32 {}^\circ\text{C}$ иссиқ, январники эса $-2 \div 3 {}^\circ\text{C}$ совуқ бўлади. Йиллик ёғин микдори 100-300 мм атрофида. Республика ҳудудининг дэнгиз сатҳидан 400-1200 метргача баланд бўлган қисми адир минтақани ташкил этади. Чўл иқлимига нисбатан адир иқлими мўтадилроқ. Ёғин бу ерларга чўлдагига нисбатан қўпроқ (300-450мм) ёғиб, ёз фасли узоқ давом этади. Тоғлар минтақаси дэнгиз сатҳидан 1000-2800 м баланд жойларга тўғри келади. Тоғларда ёз қисқа ва салқин бўлиб, ёғин кўп ва қиши изғиринли узоқ давом этади.

Ўзбекистоннинг кўп қисмida, хусусан текисликларида кучли шамол есади. Гигиенистлар, қурувчилар ва ҚМҚ 2.01.01-97* “Курилишда иссиқлик техникаси”, ҚМҚ 2.01.01-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий– геологик маълумотлар” талабларига асосан хар бир иқлим минтақасида қурилаётган биноларнинг ҳажмий–тархий ва конструктив ечими, шу иқлим шароитида ишлатилиши хар ҳил бўлиши мумкин.

Биноларни ва уларнинг ташқи тўсиқ конструкцияларини лойиҳалашда биринчи навбатда инсонларнинг яшashi ва ишлаши учун мўтадил иқлим шароити яратишга қаратилган бўлади. Инсонларнинг яшashi учун мўтадил ҳарорат $18 \div 24 {}^\circ\text{C}$ бўлиши керак. Агар хона ичидаги ҳарорат $+8 {}^\circ\text{C}$ дан паст бўлса совуқ, $+8 \div +15 {}^\circ\text{C}$ бўлса салқин, $+16 \div +28 {}^\circ\text{C}$ бўлса илиқ, ва $28 {}^\circ\text{C}$ дан юқори бўлса ҳаво иссиқ ҳисобланади. Биноларни қиши фаслида иситиш ва ёз фаслида қуёш радиациясидан ҳимоя қилиш иқлим минтақасининг обҳавосига боғлик.

Масалан: Жиззахда июл ойининг ўртача ҳарорати $+28,4 {}^\circ\text{C}$ ва энг катта мутлақ ҳарорат $+44,5 {}^\circ\text{C}$, энг кичик мутлақ ҳарорат $-31,7 {}^\circ\text{C}$,

ҳароратнинг суткалик энг катта тебраниш амплитудаси +24,9 °С бўлса, Термизда бу кўрсатгичлар +30,4 °С ва 27,6 °С бўлади. Қиши фасли учун Самарқандда йиллик бадастурлиги 0,98 бўлган энг совук сутка ҳарорати -18 °С бўлса, Нукусда бу кўрсатгич -27 °С ва Сирдарёда -22 °С бўлади. Лекин кейинги пайтларда бу кўрсатгичларни амалий тадқиқотлар натижасида қабул қилиш тавсия етилади.

Биноларнинг ташки ҳажмий–тархий йечимларига ташки ҳаво иқлимининг таъсири каттадир. Йил давомида 9 ой иситиладиган фуқаро биноларининг ташки девор қалинлиги сарф бўладиган иссиқлик миқдорини тежаш учун мўтадил иқлимда лойиҳа қилинадиган биноларни ташки девор қалинлигидан қисман катта қилиб олинади. Жуда совук иқлим минтақаларида жамоат ва жамоат биноларини лойиҳа қилишда эркер, лоджия ва балконлар кўзда тутилмайди. Жамоат биноларида оралиқ баландлиги бир хил қилиб олиниб, ёруғлик билан таъминловчи фонарлар кам кўлланилади. Асрлар бўйи музлиқдан иборат минтақаларда бинонинг биринчи қавати шамол эсиб туриши учун очик қолдирилади. Акс ҳолда бинодан ўтадиган иссиқлик музлиқни еритиб, бинони чўкишига олиб келади.

Жиззах шаҳрида иссиқ иқлимининг давомийлиги 5-6 ойдан ортиқдир. Шу сабабли биноларда табиий шамоллатиш усули қўлланилиб, хона ҳаво ҳарорати жуда исиб кетишдан сақланади. Бундан ташқари, биноларнинг девор ва деразаларига қуёш радиациясидан ҳимоя қилиш учун тўсиқлар (экран–жалюзи) лойиҳаланиб, яхлит чордоқли томларда табиий шамоллатиш тадбирлари кўрилиши лозим.

Иқлим кескин континентал ҳудудларда биноларни кечаси деразалар ёрдамида табиий шамоллатиш ва кундуз қунлари деразани ёпиб, юқори ҳароратдан ҳимоя қилиш самаралидир. Ишлаб чиқариш жараёнига маълум талаблар қўйиладиган саноат биноларида сұнний совутиш, яъни кондиционерлар ёрдамида хоналарда мўтадил иқлим яратилади. Ҳозирги

даврда қишлоқ ва шаҳарларда наъмунавий лойиха асосида бир ва кўп қаватли жамоат бинолари кўп қурилмоқда.

Бунинг қулайлиги шундан иборатки икки қаватли биноларнинг юқори қисмини табиий шамоллатиш услуби билан куёш радиациясидан ҳимоя қилинса пастки қисмидаги юқори ҳарорат ерга сингади. Қуёш радиациясидан ҳимоя қилишининг янада самарали усулларидан бири жамоат биносининг атрофига соя-салқин ҳаво берадиган ихота, мевали дарахтлар экишdir.

Ташқи тўсиқ конструкцияларни лойиҳалаш учун қўлланиладиган асосий иқлим кўрсатгичлари билан танишиб чиқамиз. Лойиҳалаш вақтида ҳавонинг ҳаракатини, ҳароратининг суткалик ўзгариш кэнглигини, ҳавони намлик даражасини, ташқи ҳисобий параметрларни, шамолнинг йўналиши ва тезлигини, ёғин-сочин миқдорини ва бошқа кўрсатгичларни аниқлаш учун ҚМҚ 2.01.01-94 (Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар). Ташқи тўсиқ конструкцияларнинг иссиқлик физик ҳисобларини бажариш учун қурилиш жойларининг энг совуқ ва энг иссиқ ҳаво ҳароратининг давомийлиги, қайтарилиши ҳисобга олинади. Иссиқлик-физик ҳисоблар учун ташқи ҳаво ҳароратини танлашда кейинги 50 йил мобайнида метрологик станцияларда кайд қилинган 8 та энг совуқ қиши фаслининг ўртача ҳарорати қабул қилинади. Иқлимий ҳудудлар ҚМҚ 2.01.01-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар” дан кўриниб турибдики Жиззах вилояти ИВ А иқлимий зонада ва И Б иқлимий минтақада жойлашган. Иссиқлик физик ҳисоблар учун ташқи ҳавонинг маълум кунларда энг совуқ ўртача ҳарорати қабул қилинади. Санитария гигиена талабларига жавоб берувчи ташқи тўсиқ конструкцияларнинг иссиқлик узатишга келтирилган қаршилиги ҚМҚ 2.01.04-97* “Қурилишда иссиқлик техникаси”га асосан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

Бу ерда: n - тўсиқ конструкцияни ташқи юзасини ташқи ҳавога нисбатан ҳолатига боғлиқ бўлган Коэффициент, ҚМҚ 2.01.04-97* “Курилишда иссиқлик техникаси” дан қабул қилинади. t_b – хона ички ҳавосининг ҳисобий ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$, ГОСТ 12.1.005-88 га мос келадиган бино ва иншоотларни лойиҳалаш меъёrlарига асосан қабул қилинади; t_{5x} – ташқи ҳавонинг ҳисобий қишики ҳарорати, ҚМҚ 2.01.0194“Лойиҳалаш учун иқлимий вафизикавий–геологик маълумотлар” бўйича доимий 0,92 бўлган энг совуқ беш кунлик ўртacha ҳароратига тэнг; Δt_X – ички ҳаво ҳарорати ва тўсиқ конструкциясининг ички юзаси ҳарорати орасидаги меъёрий ҳарорат фарқи, ҚМҚ 2.01.04-97* “Курилишда иссиқлик техникаси” дан қабул қилинади; a_b – тўсиқ конструкцияларини ички сиртини иссиқлик бериш Коэффициенти, ҚМҚ 2.01.04-97* “Курилишда иссиқлик техникаси”дан қабул қилинади. Лойиҳаланаётган биноларни тўсиқ конструкцияларини иссиқлик узатишга келтирилган қаршилиги P_o , бинонинг иссиқлик ҳимоясининг берилган даражасига мувофиқ, ҚМҚ 2.01.04-97* “Курилишда иссиқлик техникаси” даги 2а, 2б ёки 2в жадвалларида кўрсатилган P_{0mp} қийматларидан кам бўлмаслиги шарт деб кўрсатилган. Бинолар иссиқлик ҳимоясининг биринчи даражасига тегишли бинолар билан иссиқлик ҳимоясининг учинчи даражасига тегишли биноларни деворлари учун иссиқлик узатишга келтирилган қаршилигини меъёрий қийматлари P_{0mp} ни бир-бири билан таққосласак, улар орасидаги фарқ 240-250 % ни ташкил етади. Демак биноларни доимий ва шинамлиги ошмоқда, ҳамда фуқароларни яшаш ва ишлаш шароити яхшиланмоқда. Бунга мисол қилиб мустақиллик йилларида наъмунавий лойиҳалар асосида қўриб ишга туширилаётган доимий ва шинамлиги яхши ва олий даражада бўлган саноат биноларини келтириш мумкин. Доимийлиги ва шинамлиги яхши ва олий даражада бўлган

саноат биноларини лойиҳалаш учун қурилиш жойининг иқлими биринчи навбатда эътиборга олинади. Агар иқлим кўрсатгичлари тажриба ва амалий қузатишлар натижасида қабул қилинса иссиқлик–физик ҳисоблар ҳақиқатга яқин бўлади.

I боб бўйича хulosा.

1. Энергия самарадорлик соҳасида жаҳонда етарлича тажриба ва синовлар амалга оширилган бўлиб, уларни бизнинг Марказий осиёнинг иқлим шароитига мослаб кўриб чиқиш талаб эътилади.
2. Юқорида келтириб ўтилган чора-тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистонлик олимларнинг ҳам таклиф ва ечимлари инобатга олиш талаб этилади.
3. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб улардаги ютуқ ва камчиликларни ўрганиб чиқиш ва уларни бизнинг шароитга мослаб ўзлаштириш керак.
4. Албатта юқоридаги барча фикрларни инобатга олишда КМҚ ва меъёрий хужжатлар талабларига ҳам риоя этиш зарур.

П-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БИНОЛАРНИ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТАЖРИБАСИ.

Янги турдаги энергия самарадор турар-жой биноларини шакллантириш муаммоси таркибига меъморий-техник ҳамда энергия ресурсларини истеъмоли даражасига сезиларли таъсир ўтказувчи ижтимоий-иктисодий жиҳатлар ҳам киради. Ҳозирги кунда турар-жойнинг қулайлиги ва сифат даражаси айрим оиласалар эҳтиёжларига қараб эмас, балки уларнинг таъминланганлик даражасига қўра аниқланади. Замонавий якка тартибда қуриладиган турар-жойларни 2та асосий турга бўлиш мумкин: аҳоли кам таъминланган ва моддий жиҳатдан таъминланган шахслар томонидан қурилган турар-жойлар.

Турар-жой бинолари энергия самарадорлигини ошириш бўйича қўриладиган меъморий техник чора тадбирлар мажмуаси таркибига ноанъанавий иссиқлик манбааларидан фойдаланиш, уйларни рационал ҳажмий-тархий ечимларини, ташқи тўсиқ конструкцияларни, назорат ўлчов ва созлаш ускуналарини зичлаб чиқишини кўзда тутади. Туар-жой биноларининг ҳажмий-тархий ечими уларнинг энергия самарадорлигига сезиларли таъсирини ўтказади.

Республикамида бинолар энергия самарадорлигини оширишга йўналтирилган 10 Қурилиш нормалари ва қоидалари қайта ишлаб чиқилиб 2011-2012 йилларда амалга киритилди. Биноларда энергия истеъмолни бошқариш самарали тизими яратилди.

ШНК 1.03.01-08 қайта ишланиб бинолар лойиҳа-смета ҳужжатлар таркибида қўшимча равишда “Энергиятежамкорлик” деб номланган алоҳида бўлим жорий этилди ва 2012 йил 1 сентябрдан амалга киритилди.

Бундан кейин бинолар лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланганда энергиясамарадорлик деб номланган маҳсус бўлим ишлаб чиқилади. Ушбу бўлимда қуйидагилар акс эттирилади:

Лойиха ечимларини қабул қилиш барча босқичларида энергия тежамкорлик тадбирлари ишлаб чиқилади: қурилиш майдони танланганда, бинони белгиланган жойда жойлаштиришда, бинонинг ҳажмий режавий ечимлари аниқланганда, бино шаклининг компактлиги ҳисобланганда, бино ташқи конструкцияларининг исиклик физик параметрлари белгиланганда, дераза юзалари ҳисобланганда, қуёшдан ҳимоя қурилмалар ишлатилганда, қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятларини ҳисоблашда ва ҳ.к. ларда. Ушбу бўлим доирасида бино энергия истеъмолининг қиёсий миқдорлари акс эттириладиган энергетик паспорт ҳам расмийлаштирилади. Бўлимнинг график қисмида энергия тежамкорлик техник ечимларнинг тегишли чизмалари келтирилади.

Янги қабул қилинган норматив талабларни амалиётда синаб кўриш мақсадида 8 та пилот обьектларида энергия тежамкорлик техник ечимлар кўлланилиб, 2 та янги умумтаълим мактаб биноси қурилди ва 6 та обьектлар реконструкция қилиниб энергия самарадорлиги оширилди. Бу обьектларда олдинги ва кейинги ҳолатларни таққослаш учун энергия аудит ишлари ҳам амалга оширилди ва ўртacha энергия тежамкорлик бу обьектларда 40 -50 фоизга камайгани аниқланди.

Республикамида намунавий лойиха асосида қурилаётган уйлардан биттаси ташқи қобиқ конструкциялари иссиқлик ҳимоя қатлами билан қопланиб, қуёш иситиш ва электр токи билан таъминлаш жиҳозлари ўрнатилган ҳолда ва шу билан бир қаторда ҳар бир ҳонасига рекуператор ўрнатилиб 2014 йилда фойдаланишга топширилди. Лекин ушбу бинодаги рекуператор самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказилмади.

ОДНОЭТАЖНЫЙ 4-КОМНАТНЫЙ

Главный фасад



План стен




Дворовой фасад



Турагжой биноларини энергия самарадорлигини ошириш бўйича меъморий-техник чора-тадбирлар мажмууси таркибига уйларни хажмий –тархий ечимлари, ташқи тўсиқлар, иссиқлик самарали конструкциялар, муҳандислик системалари, назарий– ўлчов мосламаларини ишлаб чиқиш ҳамда ноанъанавий иссиқлик манбааларидан фойдаланиш киради. Қурилишни шаҳарсозлик ечимида, кам қаватли биноларга тушадиган шамол чокини инобатга олиб, кам қаватли шамолдан ҳимоя турагжой биноларини ўрнатиш кўзда тутилади, бунинг натижасида турагжой биноларини иссиқлик ҳимояси таъминланади. Иссиқлик сақлашнинг яна бир усули шамол

марказий кўча, шовқиндан ҳимоялаш мақсадида “ёпик” ҳовлилар усулини қўллашдир. Бино ҳажмига нисбатан ташқи тўсиқларнинг юзаси катта бўлганлиги сабабли, кам қаватли бинолар ҳам энергия самарадор бино ҳисобланмайди. Шу муносабат билан замонавий меъёрий хужжатларда ихчамлилик коэффициенти деган кўрсаткич киритилган, унинг қиймати ташқи тўсиқ юзаси бинонинг иситиладиган нисбатига тэнг бундан ташқари, меъёрларда бинодаги қаватлар сонига кўра тураг–жой биносини иситишга сарфланадиган рухсат этилган дифференциалланган энергия сарфи кўзда тутилган. Кенг корпусли тураг–жой бинолар оқилона ихчамлиги билан тавсифланади. Бундай уйларда иссиқлик йўқотилишини камайтириш имкони бор. Улардаги микроиклим нисбатан турғун, хонадондаги хоналар шамол таъсирига камроқ учрайди. Шу сабабли имкон бўлган вазиятда, лойиҳаланаётган бино корпусини кэнгроқ қилиб лойиҳолашга ҳаракат қилиш лозим, бу ҳолат ихчамлик коэффицентини яхшилаш ҳисобига иссиқлик йўқолишини камайтириш имконини беради. Индувидуал лойиҳаларни ишлаб чиқиша тураг–жой биноларини иссиқлик самарадорлигини таъминловчи меъморий–тархий ечимларни таклиф этиш мумкин. Хусусан хоналарни нур кўринишида жойлаштиришга асосланган тураг–жой биноларини тархий ечимлари мавжуд. Бундай тархий усул хонадан ташқаридаги коммуникацияларни узайтирмасдан бир қаватда иложи борича кўпроқ (8тадан 12тагача) хонадонларни жойлаштириш имконини беради. Бу ечимлар уйнинг умумий майдонига нисбатан ташқи деворлар периметрини қисқартириши, ташқи ва ички муҳандислик коммуникациялари узунлигини камайтириш, лифтларга қўйиладиган юкларни ошириш имконини беради, бу эса энергетик ресурсларни тежаб сарфлашга олиб келади. Хонанинг узунлиги ва энининг оптималь нисбати хонадаги иссиқликни сақлаш ва яшаш

қулайлигин яхшилаш имконини беради. Жиззах шахри Олимлар маҳалласида жойлашган 10уй якка тартибдаги турар-жой биноси.



2. 1-расм. Тадқиқот обьекти тархи.

2.1. Ўзбекистон шароити учун энергия тежамкор меъёрлар

(ҚМҚ ва ШНҚ)

Ўзбекистон Республикаси архитектура қурилиш кўмитаси ПРООН биноларидағи энергия тежамкор дастури бўйича мавжуд биноларни энергия тежамкор қилиб лойиҳалаш бўйича мавжуд меъёрларни ишлаб чиқилган. Турли манбааларга асосланиб 10 та меъёрий ҳужжат қайта ишлаб чиқилган ва янгитдан яратилган. Мазкур ишда иккита меъёрий ҳужжатда тўхталиб ўтамиз. 1.ҚМҚ2.01.18-2000* “Биноларва иншоотларни иситиш шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёри”. Тошкент, 2011. Мазкур ҚМҚ таркибида турар-жой, жамоат, маъмурий-маиший ва ишлаб чиқариш биноларини иситиш, шамоллатиш ва конденциялаштиришга сарфланадиган эргия

сарфи янги меъёрларига риоя қилиш усуллари ва энергия истеъмоли меъёрлаштириш принциплари таътифи келтирилган. Бинолардаги иссиқлик йўқотилишини сабаблари таърифланган ва энергия фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича асосий чора – тадбирлар санаб ўтилган. Энергия самарадорлиги меъёрларини қониқтирадиган лойиҳавий ечимларни танлаш кетма-кетлиги келтирилган. Лойиҳаланаётган бино учун белгиланган энергия сарфи меъёрий қийматларини ҚМК2.01.18-2000* жадваллари бўйича ва муайян бино учун ҳам аниқлаш бўйича тавсиялар берилган.

Лойиҳаланаётган бинони иситишга сарфланадиган иссиқлик меъёрий сарфланадиган совуқ ҳаво меёрий сарфлари келтирилган. Бинога ёруғлик тушадиган қисмларининг минимал зарурий юзасини ҳисоблаш учун мисол ва кетма-кетлиги келтирилган. Шарқий Европа ва Марказий Осиё Қурилиш секторидаги энергия тежаш бўйича илгор фикр лойиҳаси амалга оширилганда, 2қаватли турар-жой мисолида белгиланган энергия сарфи янги меъёрларн и кўпайтириб (oshirib) ёритилган натижалар юзага келади. Бошланғич вариандта турар-жой биноси 128 кВт соат/ m^2 энергияни иситиш ва табиий шамоллатишга сарфланган бўлса, янги меъёрда белгиланган миқдор йилига 140кВт/ m^2 йилни ташкил этади. Энергиятежамкор меъёрнинг белгиланган миқдори 1970-йилда қурилган оддий бинонингҳақиқий сарфларидан анча баланд. Диссертациянинг ҳисобий–тадқиқотларида энергия сарфи меъёрлари тадқиқотлари, масалалари батафсил ёритилади.

2. ҚМК2.01.04.-97* “Қурилиш иссиқлик техникиси”, Тошкент, 2011. Унда энергияни тежаш бўйича янги талабларга риоя қилиб, бинони иссиқлик ҳимоясини лойиҳалаш кетма-кетлиги белгилаб берилган. Лойиҳаланаётган бино учун иссиқлик ҳимоя дарадаси, ҳисобий ташқи ва ички кўрсаткичларни танлаш усули келтирилган. Танланган каватга кўра бинонинг энергия тежамкор иссиқлик

ҳимоясини лойиҳалаш бўйича йўриқномалар деталллаштирилган. Ташки деворнинг иссиқлик ҳимоясини З ҳил ечими таърифланган, фасадлар сувалиши, фасадли экран, ғишт билан иссиқлик ҳимоялаш. Биноларни қуёшдан ҳимоялаш, ечимлари, қуёшдан ҳимоялаш мосламалари тавсифлари келтирилган, қуёшдан ҳимоя дераза ўринларини ҳисоблаш мисоллари баён этилган. Бинодаги талаб этилган ҳаво алмашинувини таъминлаш техник ечимлари ва лойиҳалаш усуслари келтирилган. Тўсувчи конструкциянинг буг ўтказувчаникка текшириш мисоли келтирилган.

2.2. Мавжуд биноларни энергетик жиҳатдан реконструкция қилиш.

Мавжуд меъёрлардан фойдаланиб ишланган девор ва қопламаларнинг кўп қатламли композит конструкциялари нисбатан рационал энергия самарали тўсувчи конструкциялар бўлиб ҳисобланади. Ташки деворларни иситиш энг қиммат ва кўп меҳнат талаб этиладиган жараён бўлиб, қишки мавсумда иссиқлик йўқотилишини тахминан 12–15%га камайтирилади. Ташки деворларни машхур ва кэнг тарқалган иситиш усусларига девор ёки каркасга бевосита махкамланган минерал тахта ва плиталаридан фойдаланиб ташки деворларни иситиш, маҳаллий иситиш мосламаларидан фойдаланиб бу вариантларнинг турлича кўринишиларидан фойдаланиш мумкин.

Масалани комплекс равища ҳал этганда янада кўпроқ самарага эришилади. Ташки муҳитдан тушувчи барча конструкцияларга мос иссиқликдан ҳимояга эга бўлиш лозим. Иссиқлик ҳимояси баҳоси бино бўйича иссиқлик узатилиш қаршилигининг ўртача қиймати R_{0cp} -13-б

формула ёрдамида аниқланади. $R_{0cp} = R_{ct} S_{ct} + R_{ok} S_{ok} + R_{pok} S_{pok} + R_{pol} S_{pol}$

Бу ёрда R_{ct} , R_{op} , R_{pok} , R_{pol} -мос равища девор, дераза, ёпма ва пол ёриқ қисмларининг иссиқлик узатилишига қаршилиги. $S_{ct} + S_{ok} + S_{pok} + S_{pol}$ -мос равища девор, дераза, ёпма ва пол юзаси. Бино қурилишидан

аниқ мақсад— унинг функционаллиги ва яшаш учун қулайлигиладир. Қулайликка бир нечта жиҳатлар киради. Улардан муҳими–хонадаги ички муҳит функциявий кўрсаткичларига қўйиладиган талаблар. Инсон саломатлиги ва ишлаш қобилятини таъминлаш учун хонада тоза, кислородга бой ҳаво ва иссиқлик –намлик атмосфера яратиш лозим. Бунинг учун ташқи тўсувчи конструкциялар лойиҳаланишига катта эътибор қаратиш лозим. Деворлар, ёпмалар, дераза ўринлари, пастки қавтлар поллари, шулар жумласидандир ва улар орқали иссиқлик, ҳаво ва намлик узатиш амалга оширилади. Ташқи тўсувчи конструкцияларга катта миқдорда талаблар қўйилади, йилнинг совуқ даврида юқори даражадаги иссиқлик ҳимояси, йилнинг илиқ даврида юқори даражадаги иссиқлик турғунлиги, юқори даражадаги ҳаво ўтказмаслик, паст намлик сифими ва бошқалар. Бироқ Ўзбекистон иқлимшароити учун асосий талаб— қишки мавсумда иссиқликни сақланиш, ёки мавсумда эса иссиқдан ҳимоялаш. Ўтган асрнинг 60-80- йилларида саноат миқёсида уй қурилишининг ривожланиши билан йирик панелли турар–жой бинолари ва кичик ячейкали жамоат бинолари қурила бошланди. Уй қурилиш комбинатлари бир, икки, уч қатламли ташқи девор панеллари ишлаб чиқарилган.

Оловбардошлиги бўйича канструкциялар мавжуд меъёрий ҳужжатлар талабларини қониктириш лозим. Конструкция технологилигини уни таёrlашда ва тежаш қисмида таъминлаш зарур. Тўсувчи конструкция қатламларини бир-бири билан бириктирилганда герметиклигини таъминлаш ва эксплуатация жараёнида ҳам бу герметикликни сақлаб қолиш талаб этилади.

2.3.Бинонинг энергия самарадорлигини ошириш учун алътернатив энергия манбааларидан фойдаланиш истиқболлари.

Ўзбекистон шароитида хоналарни иситиш муаммоси долзарб бўлиб бораётганлиги сабабли биноларни қуёш нуридан фойдаланиб

иситиладиган энергия тежамкор лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида “SELARON” маҳсус ижодий гуруҳи ташкил этилган. “SELARON” гуруҳи раҳбари **меъмор доцент М.М. Зоҳидов**. Маҳсус ижодий гуруҳ ўзининг ишларида Ўзбекистон иқлим шароитида хоналарни қуёш энергиясидан фойдаланиб иситиш ва биноларни иссиқлик сақлаб қолишини шириш бўйича олиб борилган назарий ва амалий ишларнинг ижобий натижаларига асосланган. Бу натижалар Марказий Осиёning бошқа ҳудудларида ҳам қўлланилса бўлади. Ижодий гуруҳ тамонидан Марказий Осиё ҳудуди шароитида истишга сарфланадиган сарфларини 8..10 марта қисқартириш имконияти тажрибада тасдиқланган. Истиқболда қуёш нуридан ҳосил бўлган энергия ҳисобига тўлиқ иситиладиган уйларни яратиш кўзда тутилмоқда ижодий гуруҳ қуёш нури энергиясидан иситиладиган энергиятежамкор бинолар қурилиши ва лойиҳалар ишлаб чиқилишида ҳамда мавжуд биноларнинг иссиқлик сақлаб туриш қобилятини оширишда ўз хизматларини тақдим этиш ҳамда юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Биноларни иситишда қуёш энергиясидан самарали фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий жиҳатдан самаралилигини аниқлаш учун қуйидаги саволларга жавоб бериш лозим:

- мазкур ҳудуда биноларни иситиш муаммоларини долзарблиги;
- бошқа алътернатив ечимларнинг мавжуд эмаслиги;
- қуёш энергиясидан фойдаланиб биноларни иситиш масаласини ўрганилганлиги;
- қуёш радиатциясини жадаллиги ва нур сочиши давомийлиги жиҳатдан иқлим шароитининг қулайлиги;
- иситиш учун қуёш энергиясидан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги;

Күёш энергиясидан фойдаланиб ишлатиладиган иситиш системаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланишнинг соддалиги. Мазкур ҳудудда биноларни иситиш муаммоларининг долзарблиги. Марказий Осиё ҳудуди иқлими кескин контенентал бўлиб, ёзи иссиқ, қиши мавсуми узоқ ва совуқдир. Ёнилғиларнинг камлиги, қимматлиги ва ноёблиги туфайли биноларни айниқса, кам қаватли автоном иситиш системали интегрируал уйларни, иситиш муаммоси йилдан – йилга кескинлашиб бормоқда. Бу муаммо табиий газ ва кўмир билан етарлича таъминланмаган қишлоқ ҳудудларида айниқса долзарбдир. Йилдан-йилга иссиқлик билан таъминлаш тезкор ечим талаб қилувчи жиддий муаммога айланмоқда. Бинони иситиш учун катта миқдорда иссиқлик энергияси сарфланади. Бино тамонидан истеъмол қилинадиган умумий энергиянинг 60-80%и иситгичга сарфланади, солишириш учун 5-7% қолган энергия иссиқ сув билан таъминланиши маълум қилинади. Қуёшли иситиш системалари фаол ва пассив системаларга бўлинади. Кўп йиллик хорижий қурилиш амалиёти қуёшли пассив иситиш системаларини қимматбаҳо ва фойдаланишда мураккаб фаол системаларга қараганда устунлигини кўрсатади. Пассив системанинг унча муҳим афзаллиги аниқланган тэнг шароитда паасив система фаол системага нисбатан 2 марта самаралироқ, чунки пассив система хона ҳароратидан $5\ldots 15^{\circ}\text{C}$ юқори ҳароратда ишлайди.

Ярим ичиқ ҳавода ҳам узилиб нур сочаётган қуёш энергиясидан фойдаланиб ҳам пассив системалар ишлайверади бундай шароитда қуёш сув иситгичи иссиқлик қабул қилгичи инерсионлиги туфайли фаол система фойдали иссиқликнинг ишлаб чиқара олмайди. Ҳаво тўлқинига булатли бўлган айрим ҳолларда ҳам пассив системалар иссиқлик баланси ҳисоби. Бу авзаликларни муҳим деб ҳисоблаш зарур, чунки қиши мавсумида иситиш даврининг умумий кунларнинг

60%и ярим очиқ ва булатли ҳавога тўғри келади. Қуёш энергиясидан фойдаланиб биноларни иситиш мосламасининг ўрганилганлиги. Қуёш энергиясидан фойдаланиб иситиладиган пассив системалар самарадорлиги кўриб ишга туширилган қуёшли уйлар мисолида ёрқин намоён бўлган. АҚШ ва бошқа Европа давлатларида юзлаб минглаб, миллионлаб қурилган энергия тежамкор уйлар кучли пассив иситиш системалари билан жиҳозланган энергия тежаш бўйича кўплаб мамлатакларнинг миллий дастурида қуёшли пассив иситиш системаларидан фойдаланиш усули йўналиш деб белгиланган. Ўзбекистон Республикасимисолида ижодий марказ тамонидан қуёшли пассив системаларининг юқори самарадорлиги қатор тажриба тадқиқотлари асосида исботланган хусусан Тошкент шароитида бинонинг иситишга бўлган эхтиёжнинг 80% и қуёш иссиқлиги билан таъминланган, бу эса энергия самарадорликнинг юқори миқдори кўрсатилган ҳаво шароити кескин ўзгарганда ҳам ҳоналардаги ҳаво хароратини саклаш турғунлиги таъминланди. Қуёшли уй микроиқлими ва ҳарорат таркибини анъанавий печ ёрдамида иситиладиган уй шароити билан солишириш мумкин. Истиқболда миқдорий ва сифат кўрсаткичларини ихчамлаш заҳиралари мавжуд. Қуёш радиациясининг жадаллиги ва нур сочиши давомийлиги жиҳатидан иқлим шароитининг қулайлиги. Бу саволга жавоб бериш учун бунинг ҳудудий кўрсатмаларини қуёшли пассив иситиш системалари муваффақиятли қўлланиладиган ҳудудлар иқлим кўрсатгачлари билан солишиштирамиз бу ерда 2 та иқлим кўрсатгичи ҳал қилувчи вазифани ўтайди:

–градус- кунларда баҳоланадиган иситиш учун сарфланадиган энергия миқдори қанча кўп бўлса, бинони иситишга шунча кўп иссиқлик энергияси сарфланади;

–қуёш радиатсияси, қуёшли кунлар сони.

Пассив қуёш системаси иссиқлик жараёнларини моделлаштириш ва компьютерда тахлил этиш меморий – конструктив ечимлрни максимал даражада соддалаштириш ва 100% қуёшдан фойдаланиб иситиш имконини беради. Уй АҚШ даги Бастон шаҳри марказидан 12мил масофада жойлашган иситиш юкламаси 3500 градус –кун, Тошкентда кишида иқлим 1,5 баробар юмшоқ, 2300 градус–куни ташкил этади. Демак, бизнинг худудда иситиш учун қуёш энергиясидан фойдаланиш ўртача 1,5.....2 маротаба самаралироқ. Иситиш учун қуёш энергиясидан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги. Кам қаватли турар–жой биноси қурилишида пассив гелиотехнологиялардан фойдаланиншни аниқлаш учун 3 вариантда иситиладиган, иситилмайдиган майдони 100m^2 бўлган Зта уй қурилишига сарфланадиган русурсларни ҳисоблаш ва солишлириш лозим:

—мамлакатимизда ишлаб чиқарилган жиҳозга мосламалар ёрдамида иситиладиган одатий уй;

—хорижда ишлаб чиқилган жиҳоз ва мосламалар ёрдамида иситиладиган одатий уй;

—қуёшли пассив иситиш системали кубкли уй.

Қимматбаҳо гелиоускунадан фойдаланмасдан ва гелио қабул қилгич вазифасини бино меморий функционал қисми билан биргаликда ишлаши оддий уй ҳамда қуёшли иситиш пассив системалари мавжуд уйларнинг нархи, нисбатан бир хил бўлишини белгилайди. Гелио уй оддий уйга нисбатан 5-8% қимматроқ бўлади, қимматбаҳо хорижий иситиш истемаси қўлланилган уй билан деярли бир хил нархда бўлади. Пассив система қўлланилган уй одатий иситиш тизими қўлланилган уйларга нисбатан 4-5йилда пули қопланади. Хорижий иситиш ускунлари қўлланилган уйга солиширилганда эса гелиоуйлар қурилиш ишлари тутатилиши билан

пули қопланади. Мирказий Осиёнинг табиий гази бошқа давлатлардан солишириладиган мамлакатлар учун қуёшли пассив иситиш системаларининг ўзини-ўзи юклаш муддати 1-2 йилни ташкил этади. Қуёшли иситиш системаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланишнинг соддалиги. Қуёшли пассив иситиш системасида топилиши мумкин бўлган материаллар қўлланилади. Қимматбаҳо хорижий ускунанинг зарурати бўлмайди. Гелиоуй қурилиши учун маҳсус малакали қурувчилар талаб этилмайди. Уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш етарли. Қуёшли пассив иситиш тизимларининг турар-жой биноларини меъморий лойиҳалаш талабларига жавоб беради. Қуёш пассив иситиш системаларидан фойдаланиш учун қўйилган гелиотехник талаблар бино қурилиши жойини танлаш, унинг йўналишини белгилаш, бинонинг қуёш энергиясини тутиш ва катта ишлаш имкониятларини белгилайди. Энергиятежамкор бинолар қурилиши ва лойиҳалар ишлаб чиқилишида ҳамда мавжуд билмларни иссиқлик сақлаб туриш қобилятини оширишда ўз хизматларини тақдим этиш ҳамда юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорлик қилишга тайёр биноларни иситишда қуёш энергиясидан оммавий фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий жиҳатдан самаралилигини аниқлаш учун қуийдаги саволларга жавоб топиш зарур:

- 1.Мазкур ҳудудда биноларни иссиқлик муаммоларининг долзарблиги;
- 2.Бошқа алътернатив ечимларининг мавжуд эмаслиги;
- 3.Қуёш энергиясидан фойдаланиб биноларни кесишиш масаласининг ўрганилганлиги;
- 4.Қуёш радиатциясининг жадаллиги ва нур сифими давомийлиги жиҳатидан иқлим шароитининг қулайлиги;

5.Иситиш учун күёш энергиясидан фойдаланишнинг иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқлиги;

6.Күёш энергиясидан фойдаланиб ишлатиладиган иситиш системаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланишнинг соддалиги.

Мазкур ҳудудда биноларнинг иситиш муаммоларининг долзарблиги. Марказий Осиё ҳудуди иқлими иқлим контенентал бўлиб, ёзи иссиқ, қиши мавсуми узоқ ва совуқдир. Минерал ёнилғисининг қимматлиги ва амёблиги туфайли биноларни, айниқса, кам қаватли автоном иситиш системали индувидуал уйларни, иситиш муаммоси йилдан йилга кескинлашиб бормоқда.

Бинонинг энергия самарадорлигини текширишда қўлланиладиган асбоблар.

Метеомет МЭС-200 - асбоби орқали бино ичидағи ва ташқаридаги ҳаво ҳарорати, намлиги, атмосфера босими ва ҳаво тезлигини ўлчайди метеомет МЭС-200.



2.2-расм: Метеомет МЭС-200.

Ушбу қурилма сезгир датчиклар билан жиҳозланган бўлиб улар орқали керакли ўлчов ишлари амалга оширилади.

Инфрақизил пиromетр С-110 – бино ташқи түсиқ конструкцияларининг ўз иссиқлик радиациясими конструкция юзасига текизмасдан ўлчаш учун мўлжалланган. Ушбу қурулма оптик-электрон қурилма бўлиб, у электромагнит спектрининг инфрақизил қисмида ишлайди. Пирометр орқали бинонинг ташқи деворининг сиртидаги ҳароратни белгиланган юзанинг инфрақизил электромагнит радиацияси ўлчанди.



2.3-расм: Инфрақизил пиromетр С-110

Контактли рақамли термометр ТК-5.03 – бу асбоб орқали ҳарорат ва нисбий намлик ўлчанади.



2.4-расм: Контактли рақамли термометр ТК-5.03

Ушбу қурулма элекtron блок ва учта алмашувчи зонтдан иборат, биринчи зонт қаттиқ материалларнинг юзасидаги ҳарорат ва намлики ўлчаш учун мўлжалланган, иккинчиси сочилучан материаллар

учун бўлса, учунчиси суюқ материалларнинг ҳарорати ва намлигини ўлчаш учун мўлчалланган.

Тепловизор testo 875-1 ва С-110, бино ташқи қобиги температураси ва иссиқлик йўқолиш жойларини кўрсатиб беради.



2.5-расм: Тепловизор testo 875-1

Қурулма термал энергияни электр сигналларига айлантиришга асосланган бўлиб, у термал сурат машинаси кўринадиган тасвир сифатида шарҳлади.

Влагомер МГ4У – ёғоч ва бошқа қурилиш материаллари конструкциялари ва қурилмаларининг намлигини ўлчаш учун ишлатилади.



2.6-расм: Влагомер МГ4У

Ушбу қурулма сочиувчан ва толали материалларнинг (кум, тупроқ, иссиқлик химояловчи материаллар) намлигини текшириб туришга имкон беради, қаттиқ материаллар (бетон, штукатурка, ғишт) ва лабаратория шароитидаги ёғоч, саноат шароитида, очик ҳаво шароитида.

II боб бўйича хулоса.

1. Энергия самарадорлик соҳасида Ўзбекистонда ҳам анчагина тажриба ва синовлар амалга оширилган бўлиб, уларни ўрганиб чиқиш ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиш талаб этилади.
2. Бинонинг энергия самарадорлигини оширишда ҚМК томонидан қўйилган талаб ва таклифларга риоя этиш зарур.
3. Бинонинг энергия самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашда албатта жиҳозларнинг ҳам созлиги ва тўғри танланганлигига аҳамаҳият бериш зарур.

III БОБ. Кам қаватли қуриладиган турар-жой биноларнинг энергия самарадолигини ошириш.

3.1 Кам қаватли қуриладиган турар-жой биноларнинг энергия самарадолигини ошириш.

Иссиқлик ҳимояловчи материаллар: Кнауф устки тарафдан гипсокартон билан қопланган иссиқлик ҳимояловчи қатlam тизими сифатида қўлланиладиган иссиқлик ҳимояловчи материалларига табий ва шиша толали синтетик боғловчилар воситасида боғланган материаллар ва бошқалар материаллар киради, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Қурилишда қўллашга рухsat этилган полимер материаллар ва конструкциялар рўйхати” қайсики ёнғин ҳавфсизлиги ва гигиеник сертификатга эга бўлган бинода ўз вазифасида қўлланиладиган материаллар.

